Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT — XALQ ZIYOLILARI GAZETASI — معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2016-yil 13-avgust, shanba № 65 (8922)

Иқтидорли ёшлар фестивали

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Пойтахтимизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида "Истиқлол фарзандлари" ёшлар фестивали ўтказилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган фестивалда 300га яқин иқтидорли ўғил-қизлар иштирок этди.

Темурийлар тарихи давлат музейига саёҳат билан бошланган фестиваль "Тарихий хотирасиз келажак йўқ!" мавзусидаги тадбирда ёшларни бир даврага жамлади. Унда тарихчи олимлар билан "Темур тузуклари" китоби юзасидан мулоқот ҳамда мазкур музейнинг 3D форматдаги электрон диски тақдимоти бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда.)

Қобилиятлар ичида энг яхшиси — ўқишни билишдир. Шу имконият натижасида катта ютуқларга эришишимиз муқаррар. Китоблар эса инсон кашф этган ва инсонни кашф этадиган мўъжиза. Бизга ҳарф танитган, ёзиш ва ўқишни ўргатган устоз қанчалар суюк ва қанчалар буюк эканлигини энди бир тасаввур қилиб кўринг. Мактаб — иморатлар ичида энг улуғи эканлигига иқрор бўлгандирсиз.

Таълим муассасасидаги қулай шароит

педагог ва ўқувчиларни янги-янги муваффақиятлар сари етаклайди

Jarayon

Ҳар бир соҳанинг ривожи етук кадрларга боғлиқ экан, ўқитувчилик касбининг масъулияти нақадар юксаклигини, мактабда том маънода келажак улғайишини англаш қийин эмас. Мустақиллик йилларида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бугун ўз натижасини бермоқда. Ёшларимиз барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётгани, юртимизда бунёд этилган замонавий корхоналарда ўзимизнинг йигит-қизлар фаолият юритаётгани бунинг исботидир.

(Давоми 3-бетда.)

Жамиятда очиқликни таъминлаш жараёни такомиллашмоқда

Пойтахтимизда «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашнинг долзарб масалалари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Qonun va ijro

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ва мониторинг бўйича Жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, ахборот соҳаси масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнида ахборот соҳаси чуқур ислоҳ қилинганини таъкидлади. Соҳада замонавий, барча демократик стандартларга жавоб берадиган қонунчилик шакллантирилди.

(Давоми 2-бетда.)

6-бет — "Бошланғич таълимни модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш" мавзусидаги бошланғич таълим ўқитувчилари форуми ТАВСИЯЛАРИ

8—9-betlar — Барчаси курашчасига ҳалол бўлди

11-бет — Театрнинг ибрати нимада?

2016-yil 13-avgust, № 65 (8922)

Жамиятда очиқликни таъминлаш жараёни такомиллашмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни қабул қилингани миллий ахборот-коммуникация соҳаси ривожига янада кенг йўл очди. Қонун давлат органларининг фуқаролар олдида ҳисобдорлиги тўғрисидаги конституциявий қоидаларни амалга ошириш механизмлари ривожланиши учун асос яратди. Оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолият кўрсатиши учун янги имкониятлар яратди. Ҳар бир идора ва ташкилотда бунга масъул шахслар тайинлангани, ахборот хизматлари фаолияти ривожлантирилаётгани, очиқ маълумотлар базаси кенгайтирилаётгани муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбир иштирокчилари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда бажарилиши зарур бўлган вазифаларга эътибор қаратди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш, тегишли қонуности ҳужжатлари базасини шакллантириш зарурлиги қайд этилди.

Қарор ижроси доирасида Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини баҳолаш ва мониторинг қилиш тартиби ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ жорий йилда Жамоат кенгаши томонидан Ўзбекистондаги давлат бошқаруви органларида ахборот очиқлигининг рейтинги шакллантирилади.

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуннинг амалдаги ижросини таъминловчи ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг ягона тартибини белгиловчи Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича Регламент лойиҳаси тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди. Унда давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш тартиби ва механизмининг талаблари баён этилган. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш (чоп этиш), уларни расмий веб-сайтларга жойлаштириш ва янгилаб бориш каби жиҳатлар қамраб олинган.

Тадбир давомида очиқликни таъминлаш бўйича ижобий тажрибага эришган давлат органларининг ахборотлари эшитилди. Давлат органлари ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар берилди. Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Иқтидорли ёшлар фестивали

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Пойтахтимиздаги музей ва дам олиш масканларида кўп бўлганман, — дейди Нукус давлат педагогика институти талабаси Кумушагул Бектурданова. — Темурийлар тарихи давлат музейига илк бор келишим. Бу ерда буюк соҳибқирон Амир Темур даврига оид экспонатларни кўриб, тасаввурим анча кенгайди. Ҳар бир экспонат тарихдан сўзлайди. Фестиваль ҳақидаги таассуротларимни дўстларимга ҳикоя қилиб бераман.

Фестивалнинг иккинчи куни иштирокчилар юртимизнинг бош майдонида бўлиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйишди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига уюштирилган саёҳат ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Фестиваль иштирокчилари Сенатнинг мажлис ўтказиладиган зали, сенат аъзолари учун яратилган имкониятлар, замонавий ускуналар ҳамда янги қабул қилинган қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар ҳақида батафсил маълумот олиш имконига эга бўлди.

— Олий давлат органлари билан танишув биз ёшларнинг келажакдаги фаолиятимизда асқотади, — дейди "Камолот" стипендияси соҳиби Муродбек Аминов. — Сенат аъзолари билан учрашувда Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси ҳақидаги тушунчаларимиз анча кенгайди. Бундай фестивалларнинг ўтказилиши биз — ёшлар манфаатига хизмат қилади.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Конституциявий суди фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. "Ёшлар ижод саройи"да ўтказилган "Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати" мавзусидаги амалий семинарда юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар, демократик ўзгаришлар ҳақида сўз юритилди. Ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун яратилган шароитлар натижасида кўплаб истеъдодли ўғил-қизлар етишиб чиқаётгани эътироф этилди.

— Фестивалда иштирок этганимдан мамнунман, — дейди таэквондо ITF бўйича саккиз карра мамлакат чемпиони, халқаро мусобақалар совриндори Шаҳноза Самадова. — Чет давлатларда юртимиз шарафини ҳимоя қилиб қайтдим. Ҳеч қайси давлатда ёшларга биздагидек эътибор ва ғамхўрликни кўрмадим. Ўзбекистон — ўз ўғил-қизларини севиб-ардоқлайдиган мамлакат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ўтказилган Президентимиз Ислом Каримовнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир", "Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди" ва "Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир" номли асарлари тақдимоти фестивалнинг энг муҳим сиёсий аҳамиятга молик тадбирларидан бири бўлди. Унда Давлат бошқаруви академияси ректори Маннон Алиев, "Камолот" ЁИҲ марказий кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Жамол Носиров, Рустам Қобилов ва бошқалар бу асарлар мазмун-моҳияти хусусида тўхталиб, жамиятимиз ҳаётидаги ўрнига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Пойтахтимиздаги Инҳа университетида ўтказилган "Ўзбекистонда АКТ соҳасида эришилган ютуқлар" ҳамда Турин политехника университетида ташкил этилган "Ўзбекистонда автосаноат ривожланиши: тарих ва истиқбол" мавзусидаги тақдимотда Ватанимиз мустақиллигининг чорак асри давомида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида сўз юритилди. Ўзбек Миллий академик драма театрида Эркин Хушвақтов асари асосида саҳналаштирилган "Қирмизи олма" спектакли, "Киночилар уйи"да намойиш этилган "Ойқиз эртаги" бадиий фильми, "Ватанимга муҳаббатим изҳори" акцияси ҳамда "Туркистон" саройидаги гала-концерт фестиваль иштирокчиларига ёрқин лаҳзаларни туҳфа этди.

Ҳасан МЎМИНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Vatanimiz mustaqilligining 25 yilligi oldidan

Нукусда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси Б.Нурабуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида маданият ва санъатни ривожлантириш, ижодкорлар учун муносиб меҳнат шароити яратиш, уларнинг ижодини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида Қорақалпоғистон

Сермаҳсул ижод эътирофи

Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда тасвирий санъат, кино, фото, дизайн, адабиёт, журналистика йўналишлари бўйича тақдим этилган 40 дан зиёд ижодий иш баҳоланди.

Юртимиз иқтисодий асосини мустаҳкамлашга йўналтирилган устувор стратегик дастурларни амалга оширишдаги вазифалар, истиқлол йилларида рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари акс этган 10 дан ортиқ асар сараланиб, муаллифлари рағбатлантирилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида қорақалпоғистонлик таниқли мўйқалам усталарининг мустақиллик йилларида яратган 100 га яқин картинаси намойиш этилди.

Женис Лепесовнинг "Орол аёллари", "Аноргул", "Созанда", Абдулла Ражаповнинг "Қирдаги қалъа", "Суҳбат", "Кўз тегмасин", Сарсенбой Бойбўсиновнинг "Қорақалпоқда тўй", "Чўлдаги тонг", "Қушлар қўшиғи" каби асарлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

2016-yil 13-avgust, № 65 (8922)

Таълим муассасасидаги қулай шароит

педагог ва ўқувчиларни янги-янги муваффақиятлар сари етаклайди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу ютуқлар замирида юртимиздаги барча таълим муассасаларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларининг ҳам ўрни каттадир. Қорақалпоғистон Республикасида жами 1067 та таълим муассасаси бўлиб, шундан 702 та умумтаълим мактаби, 306та мактабгача таълим муассасаси, 1та меҳрибонлик уйи, 18та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 17та "Баркамол авлод" болалар маркази, 21 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва Нукус давлат педагогика институти ёш авлод таълим-тарбияси йўлида хизмат қилиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида уларнинг ҳаммаси янгидан қурилди ёки реконструкция қилинди, қайта таъмирланди ва зарур инвентарлар билан тўлиқ жиҳозланди. Айни янги ўқув йили арафасида ҳудуддаги бир қанча мактабларда бўлиб, у ердаги шарт-шароитлар, тайёргарлик ишларининг бориши билан танишдик.

— Туманимизда 23та мактаб, 11та МТМ, 1тадан болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда "Баркамол авлод" болалар маркази мавжуд, — дейди Қанликўл тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Жадигер Наметуллаев. — 7000 га яқин ўқувчи-ёшларга 909 нафар ўқитувчи-педагог таълим-тарбия бермоқда. Жумладан, 48 нафар инглиз тили ўқитувчиси бўлиб, ҳаммаси ҳудудий малака ошириш институтида малака оширган, махсус сертификатларга эга. «Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси–2016» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон босқичида туманимиздаги 2-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Рашид Валиев юқори балл тўплаб, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган якуний босқичда ҳам иштирок этди.

Тумандаги барча мактаблар зарур ўқув воситалари — лаборатория анжомлари, ахборот-коммуникация технологиялари, спорт инвентарлари ва бошқа жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Чет тилларни ўрганиш учун мактабларга компьютер (ноутбук), ТВ-тюнер, маркерли доска, проектор, магнитола, ўйинчоқ жамланмалари етказиб берилди.

2016 йилги Инвестиция дастури асосида Бескўпир овулида жойлашган 80 ўринли 5-мактаб биноси 395 миллион сўм эвазига қурилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари "GOLD-STAR" МЧЖ қурилиш корхонаси томонидан олиб борилиб, шу йилнинг 1 июль куни якунланган. Янги иморат мустақиллигимизнинг 25 йиллигига ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналар учун катта совға бўлди.

Туман марказидаги 280 ўринли 10-мактабгача таълим муассасасида ҳам мукаммал таъмирлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. 3-МТМ атрофи темир панжара билан ўралаяпти. 6-МТМ биносининг ички қисмини таъмирлаш учун 138 миллион 300 минг сўм ажратилган. Айни пайтда «Орол бўйи қурувчилари» МЧЖ томонидан таълим муассасаси хоналарини пардозлаш, пол қисмини таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Туман халқ таълими тизими фаолларининг маълумот беришича, 2016-2017 ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида маҳаллий бюджетдан жами 715 миллион 658 минг сўм ажратилган. Шу маблағ ҳисобидан 6 та мактабнинг 170 квадрат метр ҳажмли синган ойналари алмаштирилиб, 2та муассасанинг 1095 квадрат метр ҳажмли том қисми таъмирланган. 8 миллион 960 минг сўм эвазига таълим муассасаларидаги 448 дона кўп энергия сарфлайдиган лампалар тежамкор лампаларга алмаштирилган.

— Тумандаги таълим муассасаларида жами 169 дона иситиш қозони бўлиб, шундан 46таси газ ва суюқ ёнилғига, 57таси газ ва қаттиқ ёқилғига мослаштирилган, — дейди туман ХТМФМТТЭБ мудирининг ўринбосари Темирбой Қриқбоев. — 2016 йилда 12та таълим муассасасига 37та қозон ўрнатиш учун 178 миллион сўм ажратилди. Газ танқислиги кузатилиши мумкин бўлган ҳудудлардаги 9та муассасага қўшимча 15 миллион 914 минг сўмлик 14 тонна 600 килограмм суюқ ёнилғи олиш мақсадида нефть базалари билан шартномалар тузилди. Яна 18та таълим муассасасига 156 тонна қаттиқ ёқилғи етказиб берилмоқда.

Қанликўл туманидаги энг илғор муассасалардан бири 4-мактабдир. Бу ерда фан олимпиадаси, билимлар беллашуви ва турли спорт мусобақаларининг республика босқичларида юқори натижаларга эришган зукко ва билимли ёшлар таҳсил олмоқда. Мактабда 17 та тўгарак фаолият юритади. Ҳатто ёзги таътил вақтида ҳам спорт, инглиз тили, драма тўгараклари ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига хизмат қилаяпти.

Мактаб атрофи гўзал ва озода. 500 дан ортиқ манзарали, 200 дона мевали дарахт ва юзлаб гуллар экилган. Буларнинг ҳаммаси ҳар бир ишда бирдам ва бамаслаҳат ишлаётган жамоанинг ютуғи ҳисобланади. Ўқитувчилар орасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходимлари, "Меҳнат шуҳрати" ордени ва "Шуҳрат" медали соҳибларининг борлиги жамоанинг педагогик салоҳияти юқорилигидан дарак беради.

— Биз ўз ҳаётимиз ва меҳнат фаолиятимиз билан ёш авлодга доим ибрат кўрсатишга интиламиз, — дейди мактаб директори Ораз Жаксимуратов. — Шу боис мактабимизда ўқитувчи маданияти, кийиниши, нутқига алоҳида эътибор қаратамиз. Ота-оналар билан тез-тез учрашувлар ташкил этиб, уларнинг таклифларини ўрганиб, маъқул ва манзур келганларини таълим-тарбия борасида қўллаб, яхши натижаларга эришиб келмоқдамиз.

Тумандаги 18-умумтаълим мактаби ўзининг спорт соҳасида эришаётган ютуқлари билан ажралиб туради. Бу ерда ўқувчиларнинг спортга бўлган қизиқиши юқори. Ёзги таътил вақтида мактабда «Ёз—2016» спорт тўгараклари ташкил этилиб, ўқувчиларнинг бўш вақти мазмунли ва қизиқарли ўтишига катта ҳисса қўшилди. Спорт тўгараги аъзолари қўл тўпи, волейбол бўйича туман ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, юқори натижаларни қўлга киритди.

— Мактабимизда дарсдан сўнг фан тўгаракларига қатнашиб, ўз билимимизни янада мустаҳкамлаймиз, — дейди 8-синф ўқувчиси Арис Шимбергенов. — Шу йил билимлар беллашувида математика фанидан қатнашиб, Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 2-ўринни қўлга киритдим. Келажакда устозим Дилбар Турдишева каби ўқитувчи бўлишни истайман.

Арис фахр билан тилга олган Дилбар Турдишева халқ таълими аълочиси. Унинг дарс ўтиш тажрибаси Қорақалпоғистон миқёсида оммалаштирилган.

Мактабда ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ҳар бир фан ўқитувчиси дарсдан сўнг қўшимча машғулотлар олиб боради. Ана шундай фидойи ўқитувчиларнинг меҳнати сабаб мактаб нафақат туманда, балки республикада ҳам энг илғор таълим муассасаларидан бирига айланган.

— Синфда нисбатан паст ўзлаштирувчи ўқувчилар бўлиши табиий, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Санем Тилеўбергенова. — Чунки ҳар ким ҳар хил қобилият эгаси. Боланинг қобилияти ва имкониятини ҳисобга олиб, шунга мос таълим-тарбия бериш учун ўқитувчи катта маҳорат ва ҳаётий тажрибага эга бўлиши керак. Ўзим кўпроқ ўқувчи билан сўзлашишга, унинг оилавий шароитлари, қизиқишлари ва психологиясини яқиндан ўрганишга интиламан. Бола билан дўст бўлиб олганимдан кейин унга дарсларда ўзлаштириши керак бўлган материалларни тушунтираман. Лозим бўлса, дарсдан кейин қизиқарли машғулотлар олиб бораман ва ўқиш-ёзиш кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган ўйинларни ўйнатаман. 4-синфни тугатган ўқувчиларимнинг қайси фанларга қизиқиши, ўзига хос характери ва қобилияти ҳақида юқори синф ўқитувчиларига керакли маълумотларни етказаман. Суҳбат уюштириб, боланинг тўғри йўналишдан боришида ёрдам бериб тураман. Чунки юқори синфга ўтган ўқувчини фан ўқитувчилари бошланғич синф ўқитувчиси каби яхши билмаслиги мумкин. Шу боис бошланғич ва юқори синф ўқитувчилари бамаслаҳат ишлагани мақсадга мувофиқ.

Айни кунларда Тўрткўл туманидаги таълим муассасаларида ҳам янги ўқув мавсумига ҳозирлик ишлари қизғин бормоқда. Ҳудуддаги 30-мактаб 2013 йилда капитал таъмирланган бўлиб, ҳозирги кунда унда 1300 дан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Муассасанинг 12х24 ҳажмли спорт залида ўғил-қизлар спортнинг 9 тури билан мунтазам шуғулланиш имконига эга. Жами 830 нафар ўқувчи тўгаракларга жалб қилинган. Физика, кимё ва биология лаборатория хоналари, фан кабинетлари ўқитувчи ва ўқувчилар ихтиёрида. Мактабда 105 ўринли фаоллар зали, 60 ўринли ошхона, ахборот-ресурс маркази, кластер синфи ва яна иккита компьютер синфлари мавжуд. Мактаб атрофида боғ барпо этилган, гуллар, ҳар хил манзарали дарахтлар экилган.

— 2015-2016 ўқув йилида 9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган фан олимпиадасининг Қорақалпоғистон Республикасини босқичида 5 нафар ўқувчимиз иштирок этди. Шундан 3 нафари фахрли ўринларни эгаллади, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Болтабой Ўразимбетов. — Билимлар беллашувининг Қорақалпоғистон босқичида 6 нафар ўқувчи қатнашиб, 3 нафари 1-, 2-, 3-ўринларни қўлга киритди. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчиларимиз меҳнатининг самарасидир. 2015-2016 ўқув йилида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон босқичида бошланғич синф ўқитувчимиз Элеонора Бахтиёрова 2-ўринни эгаллади. Ўқувчиларимиздан Акбар Сапаров спортнинг бокс бўйича Қорақалпоғистон чемпионатида 2-ўринни, Жаббарбек Алтибаев 3-ўринни қўлга киритди.

Мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Илҳом Худайбергенов ҳар йили билимли ўқувчиларини турли танловларга тайёрлаб, мактаб ва туман обрўсини кўтаришга катта ҳисса қўшмоқда. Жумладан, бу йил унинг 8-синф ўқувчиси Акбаржон Ўринбоев билимлар беллашувининг Ўзбекистон Республикаси босқичида кимё фанидан 1-ўринга сазовор бўлди.

Нукус шаҳридаги замонавий қиёфа касб этган 19-умумтаълим мактабида ўқувчилар ёруғ, шинам хоналарда таълим олмоқда. 850 ўқувчини бағрига олган мактабнинг информатика, физика, кимё, биология хоналари ва лабораториялари замонавий усулда жиҳозланган.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

2016-yil 13-avgust, № 65 (8922)

Yangiliklarda yurt nafasi

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида ташкил этилган маданий-маърифий тадбирга Зулфия номидаги Давлат мукофотига санъат йўналишида ғолиб бўлган қизлар, мусаввирлар, санъатшунослар, ўқитувчилар, "Ораста қизлар" тўғараги аъзолари таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўсмир қизлар саломатлиги, маънавий камолоти ҳақида қайғуриш, уларни ўн икки йиллик узлуксиз таълим билан тўла қамраб олиш, истеъдодини юзага чиқариш борасидаги азгу саъй-ҳаракатлар қўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Янги-янги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ижодиёт марказларининг қад ростлаётгани бадиий, мусиқий таълимни янада такомиллаштириш, навқирон авлод қобилиятини эрта аниқлаш ва бадиий-эстетик дидини юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Зулфия номидаги Давлат мукофотига тасвирий санъат йўналиши бўйича муносиб топилган қизлар ижод намуналаридан иборат «Азиз Ватан манзаралари» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Унинг экспозициясидан ўрин олган юзга яқин асарда озод ва обод Ватанимизнинг шаҳару қишлоқлари, меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар, ёшлар камолоти йўлидаги улкан имкониятлар намойиш этилгани билан томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Тасвирий санъатга қизиқувчи қизлар учун устоз-мусаввирлар иштирокида маҳорат сабоқлари ташкил этилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Иқтисодиёт вазирлиги билан ҳамкорликда «Диверсификация ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш иқтисоди ўсишнинг муҳим омили» мавзуида анжуман ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Т.Эшназаров, иқтисодиёт вазирининг ўринбосари С.Шерматов ва бошқалар президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор муносабатларини жорий этиш ҳамда хусусий мулкчилик шаклларини ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Анжуманда 2016—2020 йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастурининг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Қарийб 600 миллион долларлик 180 лойиҳадан иборат дастурнинг амалга оширилиши натижасида 2020 йилга бориб озиқ-овқат саноати учун ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш 1,5 баробардан 3 баробарга оширилиши таъминланади. Шунингдек, ҳудудларда мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга ихтисослашган 14 савдо-логистика марказини ташкил этиш кўзда тутилган.

Нукусда "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда 130 нафар йигит-қиз ўз бизнес-режаси ва тадбиркорлик ғоялари билан иштирок этди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Камолот" ёшлар ижтимоий харакати марказий кенгаши, Марказий банк ва бошқа тижорат банклари ҳамкорлигида анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур танлов ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг бу борадаги интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

— Бу йил танловнинг шаҳар ва туман босқичларида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 3 мингдан зиёд ёш тадбиркор қатнашди, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Обод Дониёров. — Улар асосан чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчиликни ривожлантириш билан бирга, сервис хизмати кўрсатиш, тикувчилик, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўз ғоялари, бизнес-режаларини тақдим этди.

10 нафар ёш тадбиркорнинг бизнес-режаси истиқболли деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

ЎзА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Шўъба йиғилишлари кўтаринки руҳда ўтади

Республика таълим марказида ҳудудларда анъанавий август кенгашларига тайёргарлик кўришга бағишланган видеосеминар бўлиб ўтди.

Тадбирни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқаруви идоралари мутасаддилари, маънавий-маърифий ишлар бўйича шўъба мудирлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари, "Баркамол авлод" болалар марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари директорлари, МТМ методистлари, ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари проректорлари жойларда туриб тўғридан-тўғри кузатди.

Видеосеминар иштирокчилари анъанавий август кенгашларини ташкил этишда педагогларнинг тажриба алмашинувини йўлга қўйиш, таълим жараёнидаги энг сўнгги янгиликлардан хабардор этиш, ўқитувчиларнинг ижодкорлиги ва касбий маҳоратини такомиллаштириш, дарсларга янгича ёндашиш бўйича методик тавсияларга эга бўлди. Хусусан, мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини замон талаблари даражасига кўтариш, таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбия ишлари самарадорлигини ошириш, мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш каби йўналишлар бўйича етакчи мутахассислар зарур маълумотларни тақдим этди.

— Мутахассисларнинг тақдимотидан жойларда ижодий фойдаланиш, анъанавий август кенгашларини юқори савияда, ўқув йили давомидаги фаолиятни қамраб оладиган даражада ўтказишда бугунги видеосеминарнинг аҳамияти катта, — дейди Мактабгача таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази директори Малоҳат Аъзамова. — Август кенгашлари тренерларининг рўйхатини шакллантиришда таълим жараёнидаги барча янгиликлар ва ислоҳотлардан хабардор, иш тажрибаси туман, вилоят ва республика миқёсида оммалаштирилган, юксак мулоқот маданиятига эга, янгиликларни ўрганиб, жамоага етказа олиш салоҳияти мавжуд бўлган ўқитувчиларни танлаб олишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Тадбирда шўъба йиғилишларини ижодий ёндашув асосида ўтказиш, аниқланган бўшлиқларни тўлдириш бўйича самарали таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Форум ҳудудларда давом этмоқда

"Бошланғич таълимни модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш" мавзусидаги бошланғич таълим ўқитувчилари форуми Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Жумладан, Тошкент вилоятида ташкил этилган бошланғич таълим ўқитувчилари форумида ҳудуддаги барча туман ва шаҳарлар қамраб олинди. Қибрай туманидаги 1-мактабда ўтказилган тадбирда Бўстонлиқ, Паркент, Зангиота, Қибрай, Юқоричирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳридаги барча умумтаълим мактабларининг 300 нафарга яқин бошланғич таълим ва чет тили ўқитувчилари ҳамда методистлар иштирок этди.

Ялпи йиғилишларда таълим-тарбия жараёнига илғор иш тажрибалари ҳамда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, ўқитувчиларнинг ижодий ва касбий маҳоратини янада ошириш, бошланғич синфларда чет тилларни ўқитишнинг инновацион технологияларига бағишланган маърузалар тингланди. Шундан сўнг форум иштирокчилари тўртта шўъбага бўлиниб, фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

— Республика форумида «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланганимда, ўқитувчилик касбини танлаганимдан фахрландим, — дейди Паркент туманидаги 5-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Умида Тўлаева. — Форумдан келгач, ўрганганларимга асосланиб ҳамкасбларимга бошланғич таълим ўқитувчилари учун яратилган дарсликларнинг мультимедиали иловаси ва қўлланмаларидан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмаларни етказдим.

Янгийўл туманидаги 61-мактабда ташкил этилган ҳудудий форумда Чиноз, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ, Пискент, Оққўрғон туманларидан ўқитувчилар ва методистлар иштирок этган бўлса, Олмалиқ шаҳридаги 16-мактабда Ангрен, Бекобод шаҳарлари, Бўка ва Бекобод туманларидан келган жонкуяр педагоглар ўзаро тажриба алмашди.

— Ушбу тадбирларни юқори савияда ўтказиш учун республика форумида иштирок этган ўқитувчилар орасидан 23 нафар тренерлар тайёрланди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошланғич таълим методисти Хоним Эгамбердиева. — Айни пайтда улар орқали вилоятимиздаги 877 умумтаълим мактабида фаолият кўрсатаётган 8679 нафар бошланғич синф ўқитувчисининг касбий маҳорати оширилмоқда. Форумда иштирок этган ўқитувчилар ўрганганларини ўз таълим муассасаларидаги ҳамкасблари билан ўртоқлашади.

* * *

Сирдарё вилоятида ўтказилган ҳудудий форумга Гулистон шаҳридаги 6-мактаб мезбонлик қилди. 300 дан зиёд педагог иштирок этган тадбирда "Матн устида ишлаш", "Она тили дарсларида ўйин технологияларидан фойдаланиш", "Эртаклар ва касблар оламига саёҳат", "Ватанимиз бўйлаб саёҳат", "Х ва Ҳ ҳарфлари имлоси", "Мустақиллик дарсини мультимедиа ресурслари орқали ташкил этиш" каби мавзуларда маҳорат машғулотлари ташкил этилиб, илғор тажрибалар ўрганилди.

Тадбир якунида "Республика форуми таассуротлари" тақдимоти намойиш этилди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Арзон ва сифатли

Maktab yarmarkasi

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам мактаб ярмаркалари иш бошлади.

Кейинги йилларда анъанавий ташкил этиб келинаётган мазкур тадбир ўқувчилар учун сифатли ва арзон ўқув қуроллари, кийим-кечак харид қилишда ота-оналарга қулайлик яратмоқда. Шаҳар ва туманларда ташкил этилган мактаб бозори ва ярмаркаларда 26 турдаги ўқув анжомлари савдоси йўлга қўйилди. Ўқув қуролларининг сифати, дизайни ўқувчи диди ва дунёқарашига мос, танлаш имконияти кенг. Ярмаркаларда юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар арзон нархларда сотилаётгани ота-оналарни хурсанд қилмоқда.

— Барча бозор ва савдо мажмуаларида, туманлар марказидан узоқда бўлган 114 умумтаълим мактабида шундай ярмаркалар фаолияти йўлга қўйилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зикрилло Тешабоев. — Ушбу савдо нуқталари орқали вилоятдаги 916 умумтаълим мактабида таҳсил олувчи 500 мингдан зиёд ўқувчига зарур дарслик, ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар етказиб бериш режалаштирилган. Бунинг учун савдо корхоналари ва тадбиркорлар билан шартнома тузилиб, керакли миқдордаги ўқув қуроллари, мактаб формалари савдога чиқарилмоқда.

Мактаб ярмаркаларида юртимизда ишлаб чиқарилган кенг турдаги маҳсулотларни кўриш мумкин. Уларда турли канцелярия маҳсулотлари, китоб ва дарсликлар, болалар кийим-кечаги, мактаб формаси, пойабзал, спорт кийимлари, сумка ва портфеллар тақдим этилган.

Олтиариқ туманида ҳам бозор ва 1-, 2-, 13-, 17-, 20-, 23-умумтаълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар коллежларида савдо ярмаркалари ташкил этилди. Туман "Деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти ҳудудида очилган мактаб ярмаркасига ўндан зиёд тадбиркор жалб этилиб, белгиланган маҳсулотлар савдоси йўлга қўйилган. Савдо нуқталарининг терминал, назорат касса аппарати ва бошқа зарур воситалар билан таъминлангани аҳолига манзур бўлмоқда.

— Фарзандларим учун барча зарур ўқув қуроллари, кийим-кечак ярмаркада бор экан, — дейди Катпут қишлоғида истиқомат қилувчи Эргашали Ҳайдаров. — Олган буюмларимизнинг сифати ҳам, нархи ҳам бизга маъқул. Энг муҳими, бозор айланиб маҳсулот излаб юрмадик. Ҳаммасини бир жойдан харид қилдик. Бундай қулайлик учун давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

2016-yil 13-avgust, № 65 (8922)

Истиқлол қадр-қиммати

бу хусусда "Мустақиллик дарси", ахборот соатларида батафсил фикр юритилади

Янги ўқув йили бошида олий таълим муассасаларида "Мустақиллик дарслари" машғулотларини жонли мулоқот шаклида ташкил этиш режалаштирилмоқда. "Мустақиллик дарслари" ва ахборот соатларида "Чорак аср шиддати", "Буюк ва шонли йўл", "Мустақиллик иншоотлари", "Истиқлолдан зиё топган юрт", "Истиқлол солномаси" сингари мавзулар кенг ёритилади.

"Мустақиллик менинг тақдиримда" шиори остида 25 ёшга тўлган ва турли соҳаларда (таълим, фан, спорт, санъат, ижод, тадбиркорлик ва ҳ.к.) ютуқларга эришган ёшлар билан ижодий учрашувлар жорий йилнинг 25 майидан бошланган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 70 дан ортиқ шундай тадбир ўтказилди, уларда 4500дан ортиқ талаба-ёшлар иштирок этди. Айни пайтда учрашувлар миқёси янада кенгайиб бормоқда.

Чунончи, ёшларнинг маънавий олами, дунёқараши ва тафаккурини янада бойитиш мақсадида "Ўзбекистон шаҳарларининг энг янги тарихи: ислоҳотлар ва модернизация жараёнлари" мавзусидаги илмий-амалий анжуман "Тафаккур хазинаси", "Ҳар бир талаба ўқиши керак бўлган 25 та бадиий асар", "Она-юрт ҳақидаги ўйлар" каби тадбирлари кетма-кетликда ўтказилаяпти.

Шунингдек, "Истиқлолнинг йигирма беш довони" спорт тадбирлари доирасидаги таълим муассасаларида ташкил этиладиган спорт мусобақалари, жаҳон, Осиё ва Олимпия ўйинлари ғолиблари, иштирокчилари билан учрашувлар талаба-ёшларнинг спорт билан шуғулланишга бўлган қизиқишини орттириши шубҳасиз.

Ўқув йили аввалида тадбирлар тадбирларга уланиб кетади. Масалан, E-yoshlar.uz сайти платформасида ёшлар интернет фестивали, "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси", "Ўзбекистон тарихининг билимдони", Ўзбекис-

Oliy ta'lim

тоннинг энг янги тарихи бўйича эсселар танлови ёшларнинг Ватан тарихига бўлган қизиқишини ошириш, мустақиллик даври бўйича илмий-ижодий изланишларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Талаба-ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат туйғуларини шакллантириш санъат орқали ҳам амалга ошади. Олий таълим муассасаларида мавжуд санъат ва театр тўгараклари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу билан бирга, 20—25 август оралиғида ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан билим олиш, илм-фан билан шуғулланиш ва жамоат ишларида фаол бўлган 25 нафар талабанинг маҳалласига "Сизнинг фарзандингиз — бизнинг фарзандимиз!" шиори остида "Ташаккурнома" юборилади. Сентябрь ойида таълим муассасаларида боболар, оталар ва фарзандлар тимсолида мустақилликнинг ҳар қайси авлод тақдирига беқиёс таъсири, қадр-қиммати, ёшлар учун бераётган улкан имкониятлари, авлодлар ўртасидаги анъаналар давомийлиги тўғрисида "Уч авлод учрашуви" тадбирлари, юртимиздаги барқарор, тинч ва осуда ҳаёт, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни ҳар бир талабага сингдириш мақсадида "Мустақиллик — оилам тақдирида" мавзуида давра суҳбатлари ўтказилади.

Таъкидлаш жоизки, бу каби маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлари ёшларда Ватанга муҳаббат, истиқлолни кўз қорачиғидек асраш каби туйғуларни янада кучайтиради, уларнинг мамлакат тарихи ва маданияти ҳақидаги билимларини бойитади, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ва эртанги истиқболимиз ҳақида янада кенгроқ маълумот олишига кўмаклашади. Натижада талабалар истиқлол, тинчлик-тотувлик қадр-қимматини чуқур англайди, маънавияти юксалади. Юксак маънавият ва маърифат глобаллашув давридаги мураккаб ва тартибсиз ахборот оқимидаги турли мафкуравий тажовуз ҳамда таҳдидларга нисбатан энг ишончли қалқон бўла олади.

Фарҳод БАБАШЕВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборот хизмати раҳбари, педагогика фанлари номзоди, доцент

Фанлар рейтинги

таълим сифатини аниқ баҳолаш ва ўқитувчилар масъулиятини янада ошириш имконини беради

Сўнгги йилларда миллий таълим тизимимизга жорий этилиб, ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишга катта таъсир кўрсатаётган янгиликлардан бири бу 5—8-синф ўқувчилари ўртасида билимлар беллашувининг ўтказилаётгани десак, асло муболаға бўлмайди. Мазкур танлов ўқувчилар билими ва ўқитувчилар меҳнатига баҳо бериш, уларни рағбатлантиришнинг таъсирчан воситасига айланди. Шунингдек, бу тадбир таълим сифати кўрсаткичлари бўйича мактаб, туман ҳамда вилоятларнинг рейтингини аниқлашда ҳам муҳим мезонлардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, билимлар беллашуви натижаларидан таълим-тарбия ривожига кучли туртки берадиган бошқа йўналишларда ҳам фойдаланишимиз мумкин. Масалан, фанлар рейтингини аниқлашда қўл келади. Бу тажрибани ўз худудимизда қўллаб кўрганимизда кўрсаткичлар бевосита ўз фаолияти билан боғлиқ бўлгани учун фан ўқитувчиларининг фаоллиги янада ортди. Хўш, фанлар рейтинги нима, у қандай аниқланади?

Билимлар беллашувида асосий эътибор мактаб, туман ва вилоятларда ўқувчиларга берилаётган таълимнинг сифат ва самарадорлигини ҳамда уларнинг рейтинг ўрнини аниқлашга қаратилади. Ютуқ ва камчиликлар мактаб, туман, вилоят миқёсида аниқланганда аксарият ўқитувчилар, ўқувчилар натижалар гўё уларга тегишли эмасдек бефарқ қарайди. Чунки ютуқ ёки маглубият кўпчилик томонидан индивидуал эмас, бутун жамоага тегишли деб қабул қилинади. Фанлар рейтингини аниқлашни жорий этиш мазкур лоқайдликнинг ўз-ўзидан барҳам топишига олиб келади. Боиси, бу рейтингда ҳар бир фан ўқитувчисининг мактаб, туман, вилоят ёки республика миқёсидаги ўрни аниқ бўлади. Натижада фан ўқитувчиларида масъулият ҳисси ортади.

"Фанлар рейтинги" билимлар беллашувининг туман, вилоят ва республика босқичларидан сўнг икки йўналишда — алоҳида фанлар кесимида ("А" йўналиш) ҳамда барча фанлар кесимида ("В" йўналиш) аниқланади.

Fikr, mulohaza, taklif

Билимлар беллашуви айрим фанлар(она тили ва адабиёт, математика каби)дан 5-, 6-, 7-, 8-синфларда, баъзи фанлардан фақат 7–8-(физика) ёки 8-синфда (кимё, давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари каби) ўтказилади. Муайян фандан бир неча синфлар кесимида ўқувчилар иштирок этганда 1-ўринни эгаллаган ўқувчиларнинг тўплаган баллари қўшилиб, синфларга бўлинади. Мисол учун, математика фанининг рейтингини аниқлаш учун 5-, 6-, 7-, 8-синфлар бўйича 1-ўринни қўлга киритган ўқувчиларнинг тўплаган баллари қўшилиб, тўртга бўлинади. Беллашув фақат бир синфда ўтказилганда мактаб босқичида 1-ўринни эгаллаган ўқувчи тўплаган балл рейтинг бали ҳисобланади. (Ҳар бир фандан тўпланадиган юқори балл 100 бални ташкил этади.) Натижалар мактаб педагогика кенгашида муҳокама қилиниб, хато ва камчиликлар, бўшлиқларни тўлдириш чоралари кўрилади.

Билимлар беллашувининг туман босқичидан сўнг ҳам мактабларнинг натижалари юқоридаги каби сарҳисоб қилинади ва мактаб босқичидаги натижалар билан қўшилиб, ҳар бир фан туман миқёсида қай даражада сифатли ўқитилаётгани фанлар кесимида ва умумий рейтинги аниқланади. (Ҳар бир фандан тўпланадиган юқори балл 200 бални ташкил этади.) Натижалар туман миқёсида таҳлил қилиниб, хато ва камчиликлар устида ишлаш йўлга қўйилади.

Биз беллашувнинг вилоят босқичидан сўнг ҳам туман миқёсида "Фанлар рейтинги"ни ҳисоблаб чиқдик. Бунда туман жамоасининг вилоят босқичида эришган натижалари асос қилиб олинди. Вилоят босқичида ўқувчилари иштирок этган мактабларга қўлга киритган баллари, барча мактабларга рағбат баллари қўшилиб, жарима баллари айирилди. Жарима ва рағбат баллари ҳисобига олдинги босқичларда эришилган натижалар, шу жумладан, вилоят босқичида қатнашмаган мактабларнинг ўрни ҳам ўзгарди. (Бу босқичда ҳар бир фандан тўпланадиган юқори балл 350 бални ташкил этади.)

Билимлар беллашувининг республика босқичидан сўнг "Фанлар рейтинги"ни ҳисоблаб чиқиб, республика миқёсида фанларнинг ўқитилиш даражаси ва самарадорлигини аниқлаш ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради. (Бу босқичда ҳар бир фандан тўпланадиган юқори балл 500 бални ташкил этади.)

Қуйида бизнинг 63-мактаб мисолида фанлар рейтинги қандай ўзгариб борганлигини кўриб чиқамиз. Билимлар беллашувининг мактаб босқичидан сўнг давлат ва ҳуқуқ асослари фани 90 балл билан 1-ўринни, тарих фани 84,16 балл билан 2-ўринни, она тили ва адабиёт фани 80,25 балл билан 3-ўринни эгаллади.

Туман босқичидан сўнг давлат ва ҳуқуқ асослари фани 170 балл билан "В" йўналишда 1-ўринни, тарих фани 169,16 балл билан 2-ўринни, она тили ва адабиёт фани 137,5 балл билан 3-ўринни эгаллади.

Вилоят босқичидан кейин давлат ва ҳуқуқ асослари фани 253,6 балл, тарих фани 219,43 балл, она тили ва адабиёт фани 151,55 балл тўплагани маълум бўлди.

Бу тажриба масъуллардан қўшимча вақт ва қунт талаб қилсада, мамлакатимиз ҳудудларида фанлар кесимида қай даражада сифатли таълим-тарбия берилаётганини баҳолаш имкони туғилади. Фан ўқитувчилари ўз фанининг мактаб, туман, вилоят ва республика босқичидаги рейтинг ўрнини билар экан, ўз ишига астойдил ёндашиб, сидқидилдан меҳнат қилади.

Қаҳҳор ОДИЛОВ,
Олтинсой тумани ХТМФМТТЭБ давлат таълим стандартларига риоя этиш мониторингини методик таъминлаш кичик гуруҳи раҳбари,
Нормамат ЭШОНҚУЛОВ,
Олтинсой туманидаги 63-мактаб ўқитувчиси

Шу йилнинг 13-14 июль кунлари юртимиздаги барча ҳудудларнинг илғор тажрибали педагоглари, олимлар ва соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган "Бошланғич таълимни модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш" мавзусидаги бошланғич таълим ўқитувчилари форуми ўқитишнинг энг самарали ва таъсирчан усулларини аниқлаб, амалиётга татбиқ этишда муҳим қадамлардан бўлди. Халқ таълими вазирлиги томонидан мазкур форумнинг ялпи ва шўъба йиғилишларида билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазалар жамланиб, улар асосида бошланғич таълим сифати ва мазмунини янада оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди ва қуйида эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

"Бошланғич таълимни модернизациялаш орқали ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш" мавзусидаги бошланғич таълим ўқитувчилари форуми ТАВСИЯЛАРИ

I. Бошланғич таълим жараёнида янги авлод дарслик мажмуалари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга жорий этиш йўналишида:

- ҳар бир ўқув фанидан компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини илғор хорижий тажрибалар, ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, умумтаълимий компетенцияларни лойиҳалаштириш асосида такомиллаштириш;
- бошланғич синф ўқитувчи ва ўқувчилари учун ўқув-методик мажмуалар(дарслик, иш дафтари, ўқув-методик қўлланма ва мультимедиали илова)нинг замонавий авлодини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш;
- бошланғич синф ўқитувчиларининг компетенциявий ёндашувни амалиётга самарали татбиқ этишига хизмат қилувчи услубий қўлланма ва тавсияларни яратиш, шахсга йўналтирилган интерфаол таълим технологияларини амалиётга жорий этиш;
- бошланғич таълим сифати ва мазмундорлигини оширишга хизмат қиладиган, самарадорлик даражаси юқори бўлган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш;
- болаларни мактабга тайёрлашнинг ноанъанавий шакллари(қисқа муддатли ва мактаблар қошидаги тайёрлов гуруҳлари)ни амалиётга кенг жорий этиш;
- бошланғич таълим жараёнида инновацион технологияларни кенг қўллаш орқали ўқувчиларни ривожланаётган жамият талабларига мослаштириш ва уларда муайян компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини аниқловчи мезонларни ишлаб чиқиш;
- бошланғич синф ўқув-методик мажмуаларидаги дидактик машқлар, савол ва топшириқлар мазмунига ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришга доир элементларни сингдириш;
- бошланғич синф ўқувчилари учун дидактик материалларни илмий-оммабоп, тушунарли, содда ва равон усулда етказиш, бой маданий тарихий меросимизни осон ва қизиқарли тарзда ўзлаштиришга мўлжалланган мультимедиали электрон ўқув модулларини яратиш;
- бошланғич таълим ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ўрганиш, тажриба алмашиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида жамоатчилик асосида "Электрон академия" фаолиятини йўлга қўйиш;
- ахборот-коммуникация воситалари ва замонавий педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқилган дарс ишланмалари бўйича бошланғич таълим ўқитувчиларининг очиқ дарслар танловини ташкил этиш;
- бошланғич синфларда тўгарак ва факультатив машғулотлар учун виртуал иш дафтарларини, ўқувчиларни ахборот хуружларидан муҳофаза қилишга доир услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- бошланғич синф ўқитувчилари билан ота-оналар электрон ҳамкорлигининг вариантларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- бошланғич синф хоналарига етказиб берилган замонавий жиҳозлар, ахборот-коммуникация технологиялари, медиаресурслардан самарали фойдаланиш;
- ўқитувчилар эҳтиёжи асосида "Маҳорат мактаблари" режалари ва ўқув дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда машғулотларни самарали ташкил этиш;
- бошланғич таълим ўқитувчилари учун дарсликларнинг мультимедиали иловаси ва қўлланмаларидан фойдаланиш бўйича ўқув-амалий семинарлар ташкил этиш;
- бошланғич таълим жараёнини интеграциялаш ва табақалаштириш.

II. Бошланғич таълимда чет тилларни ўқитишнинг инновацион технологияларини амалиётга самарали жорий этиш йўналишида:

- бошланғич синфларда узлуксиз таълимнинг чет тиллардан давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларини амалиётга босқичма-босқич, сифатли жорий этиш;
- умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф (4-синф) битирувчиларининг чет тилини ўрганишнинг бошланғич даражаси(А 1)ни эгаллаши учун 1-синфда 150 та, 2-синфда 150 та, 3-синфда 100 та ва 4-синфда 100 та — жами 500 та лексик бирликни ўзлаштириши, ўтилган мавзулар доирасида бирламчи савол-жавобларда иштирок эта олишига эришиш;
- бошланғич таълимнинг ҳар бир синфида ўқувчиларда белгиланган лингвистик (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш), социолингвистик ва прагматик компетенцияларни шакллантириш;
- бошланғич таълимда чет тилини ўқитиш жараёнида SMART (Specific — Махсус; Measurable — ўлчашга доир; Achievable — натижавий; Relevant — мувофиқлаштирувчи; Timed — аниқ вақтни белгилаш) мезонлари асосида ўқувчиларда биринчи навбатда коммуникатив компетенцияни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;
- бошланғич синф ўқувчиларининг чет тилида бирламчи маълумотларни сўрай олиши ва бера олиши, яшаш жойи, оила аъзолари, дўстлари ва танишлари ҳақида сўзлаб бериши, содда ёзма йўриқномаларни ўқиб тушуниши, анкеталарни шахсий маълумотлари билан тўлдира олишига эришиш;
- бошланғич синфлар учун чет тилидан яратилган дарслик-мажмуалардан тўлиқ ва мақсадли фойдаланиш орқали дарснинг сифатли ва самарали ташкил этилишини таъминлаш;
- давлат таълим стандарти ва ўқув дастури талаблари доирасида бошланғич синфларда чет тилини ўқитиш мониторингининг ўқитувчи томонидан ижодий ёндашув асосида олиб борилишига эришиш;
- чет тилларни ўқитишда синфхоналарда яратилган мавжуд шароитлардан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва мультимедиа воситаларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш;
- чет тили хоналарини жиҳозлашда ўқувчилар яратган ижодий ишлардан кенг фойдаланиш орқали ўғил-қизларнинг ўзига ишончини ва хорижий тилни ўрганишга қизиқишини ошириш;
- Давлат тест маркази синовларидан муваффақиятли ўтиб, 15—30 фоиз устама олаётган ҳамда чет давлатларда малака ошириб қайтган тажрибали тренер-ўқитувчилар томонидан олиб борилаётган ҳар ҳафталик ўқув машғулотларининг самарадорлигини ошириш;
- чет тилларни ўрганишда тили ўрганилаётган мамлакатларнинг илғор тажрибалари ва инновацион педагогик технологияларини миллий хусусиятларимизга мос тарзда ўзлаштириш ва амалиётга кенг татбиқ этиш;
- бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишда ҳамкорлик педагогикасини қўллаш, жумладан, ўқувчиларнинг уйга вазифаларни тўлақонли тушуниб бажариши учун 2—4-синф чет тили дарслик-мажмуасидаги иш дафтарларидан ота-оналар билан ҳамкорликда мақсадли фойдаланиш;
- таълимнинг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўқитишнинг ютуқ ва муаммоларига оид илмий тадқиқотлар қамровини кенгайтириш;
- бошланғич синфларда чет тилларни кичик гуруҳларда интерфаол ўқитиш технологиялари(Placemet; To-Do-List; Feedback)дан самарали фойдаланиш;
- бошланғич таълимда чет тилини ўқитишнинг фасилитацион таълим стратегиялари(Open Space — "очиқ муҳит", World Cafe — жаҳон кафеси, Appreciative Inquiry — "ижобий ўзгаришлар парадигмаси", Dynamic facilitation — динамик фасилитация, Graphic facilitation — графикли фасилитация)ни кенг жорий этиш;
- бошланғич таълимда чет тилларни ўқитишда контекстли таълим шакллари, имитацион тренинглар, иллюстратив вазиятлардан кенг фойдаланиш.

III. Баркамол авлодни маънан етук этиб тарбиялаш йўналишида:

- 3—4-синфларда одобнома, тарбиявий соат, ўқиш фанлари доирасида мавзуларга мос равишда ўқувчилар иштирокида ҳар ойда бир марта болаларда маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришга қаратилган саҳна кўринишлари ташкил этилишини йўлга қўйиш;
- бошланғич таълим ўқитувчилари учун 1—4-синф ўқувчиларининг маънавий-маърифий билимларини ошириб бориш мақсадида тарбиявий соат машғулотларининг ташкил этилишига доир методик қўлланмаларни такомиллаштириш;
- таълим муассасаларининг нодавлат нотижорат ташкилот(ННТ)лар, мактабдан ташқари ижтимоий институтлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда мувофиқлаштириш;
- бошланғич синф ўқувчиларида ўз хатти-ҳаракати ва қарорларига жавобгарлик ҳиссини шакллантиришга қаратилган интеллектуал тадбирларни ташкил этиш;
- ўқувчиларнинг компьютер ўйинларига тобелигининг олдини олишга қаратилган методик тавсиялар ишлаб чиқиш;
- бошланғич синф ўқувчиларида интизомлилик, уюшқоқлик, иродалилик каби фазилатларни шакллантириш мақсадида ҳафтада бир марта умумий ўрта таълим мактабларида "Миллий ўйинлар куни"ни ташкил этиш ва ўтказиш;
- бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятига бўлган қизиқиш ва интилишларини ривожлантириш, алоҳида иқтидорга эга ўқувчиларнинг ўз имкониятларини намоён этиши учун шароит яратиш;
- таълим муассасаларида соғлом ижодий муҳитни мустаҳкамлаш, ташаббус ва эзгу интилишларни мунтазам қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш;
- бошланғич синф ўқувчиларини умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида тарбиялашнинг самарали усулларини аниқлаш ва амалиётга жорий этиш.

IV. Бошланғич таълим тизимини замон талабларига мос педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларнинг касбий маҳоратини ошириш йўналишида:

- педагогика олий таълим муассасаларида бошланғич таълим йўналиши бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш жараёнини илғор хорижий тажрибалар асосида тубдан такомиллаштириш ва модернизациялаш;
- педагогика олий таълим муассасаларида бошланғич таълим соҳаси бўйича бакалавриат йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режа, ўқув дастурларини хорижий тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш асосида қайта ишлаб чиқиш;
- бошланғич таълим йўналиши бўйича педагог кадрларни тайёрлаш жараёнида талабаларнинг инглиз тилини пухта ўзлаштириши ҳамда ихтисослик фанларининг инглиз тилида ўқитилишини йўлга қўйиш;
- бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларида касбий компетентлиликни ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;
- бошланғич таълим йўналиши бўйича малака ошириш курсларида ўқитиладиган ихтисослик блоки модулларини оптималлаштириш, инновацион йўналишларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режаларига янги ўқув модулларини киритиб бориш;
- мустақил ва ижодий изланиш асосида касбий маҳоратини ошириш орқали ўқитувчиларнинг мустақил фаолиятини таркиб топтириш;
- бошланғич синф ўқитувчиларининг малака ошириш курсидан кейинги фаолиятини диагностика қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда унинг мониторингини олиб боришда ҳудудий ХТХҚТМОИ, туман(шаҳар) ХТМФМТТЭБ ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик ишларини ривожлантириш;
- бошланғич синф ўқитувчисининг имижига алоҳида эътибор қаратиш;
- илғор ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганиш, кузатиш, умумлаштириш ва оммалаштириш тизимини янада такомиллаштириш;
- бошланғич таълимнинг назарий ва амалий муаммоларини ишлаб чиқишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларига эътибор қаратиш, уларнинг назарий жиҳатдан асосланган аспектларини таълим тизимига кенг жорий этиш;
- бошланғич синф ўқитувчиларида касбий компетентлиликни ривожлантирувчи тадбирларни мунтазам ташкил этиш;
- бошланғич синфларда дарс ўтадиган барча ўқитувчиларнинг ўз касбий фаолиятида педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан мустақил, фаол фойдаланишига эришиш.

2016-yil 13-avgust, № 65 (8922)

"Barkamol avlod" markazlarida

Барчаси фарзандларимиз бахт-иқболи учун

"Иморат мустаҳкам бўлсин десанг, пойдеворини тўғри қўй!", дейишади. Бу иборани ёшлар таълим-тарбиясига нисбатан қўлласак, унга болалигиданоқ бериладиган эътиборга боғлиқлиги англашилади.

Ҳеч бир ота-она йўққи, фарзандининг келажаги порлоқ бўлишини истамаса. Баркамол авлодни вояга етказишда оила ва мактабнинг ҳамкорлиги ниҳоятда муҳим. Шу билан бирга, ўқувчи-ёшларнинг илмга, касб-ҳунарга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжлари, билим даражаси ва ижодий имкониятларини аниқлаш, ривожлантиришда "Баркамол авлод" болалар марказларининг ҳам ўз ҳиссаси бор.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари ёшларни ҳаётга тайёрлаш, касб-ҳунарга меҳр уйғотиш, билимларини мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларини шакллантириш йўналишида иш олиб борадиган таълим муассасаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда қабул қилинган 50-сонли қарорига кўра, ҳар бир туманда биттадан, жами 211 та "Баркамол авлод" болалар маркази ташкил этилди.

"Баркамол авлод" болалар марказларида вояга етмаганлар билан ишлаш жараёни таълим-тарбия тизимининг бир қисми бўлиб, ўқув муассасасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар изчиллигини таъминлайди. Марказда боланинг ўз қобилиятларини тўлиқ намоён этиши учун катта имконият яратилмоқда. Шу билан бирга, мактабдаги ўқув юкламаларини ўзлаштириш, мустаҳкамлаш жараёни ҳам мактабдан ташқари таълим муассасаларида олиб борилади. Бу жараён турли йўналишлардаги тўгаракларда амалга оширилади. Тўгаракда бола мунтазам равишда илм-фаннинг сўнггги ютуқларидан хабардор бўлади. Режа асосида ўтказиб бориладиган маънавий-маърифий тадбирлар эса болаларда меҳр-мурувват, инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат каби инсоний фазилатларни ривожлантириши табиий.

Мактабдан ташқари таълим ўзининг мазмунмоҳияти ва вазифаларига кўра, барча илмий, техник, ижтимоий-иқтисодий билимларни умумлаштирган ҳолда амалиётга татбиқ этишни кўзда тутади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мактабдан ташқари таълим назария билан амалиётнинг уйғунлигини таъминловчи, ўқувчиларнинг умумтаълим тизимида олган билимларини ҳаётга татбиқ эта олишлари учун кўникма ҳосил қилувчи муҳим воситадир.

Тараққиёт асрида яшаяпмиз. Ҳеч бир соҳани техникасиз, замонавий технологияларсиз тасаввур қила олмаймиз. Шиддатли замонга мос ва хос бўлган ёш авлод қизиқиш ва эҳтиёжларини ҳисобга олишимиз керак. Техник ижодиёт йўналишидаги тўгараклар ёшларга шу тизимдаги билимларни амалда синаш имконини беради. Масалан, "Информатика асослари" дарсида олинган назарий билим "Ёш дастурчи" тўгарагида мустаҳкамланади. Физика дарсларида ўрганилган аэродинамика қонунларини "Авиамодель" ва "Ракетамодель" тўгаракларидаги амалий машғулот ва тажрибада синаб кўриш ўзини оқлайди. Демак, техник йўналишдаги тўгаракларда боланинг келажагини таъминловчи ҳаётий пойдевор яратилади. Пойдевор мустаҳкам бўлиши учун эса тўгараклардаги таълим сифати юқори савияда, жаҳон стандартларига мос даражада бўлиши керак.

2011—2016 йиллар мобайнида "Баркамол авлод" болалар марказларида техник ижодкорликни ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Авваллари мактабдан ташқари таълим муассасаларида ташкил этилган тўгарак машғулотлари бирон муаллифнинг ёки тўгарак раҳбарининг дастур ва қўлланмалари асосида олиб борилган, яъни ҳар бир тўгарак раҳбари ўзи учун дастур ишлаб чиқиб, шу асосда машғулот ўтаверган. Эндиликда эса барча марказлар тажрибали педагог ходимлар таклиф-мулоҳазалари эътиборга олинган ҳолда, ягона давлат талабларига асосланган ўқув дастури ва қўлланмалар билан таъминланган. Республика таълим марказининг илмий-методик кенгашида таҳлил қилиниб, Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари ва ўқув-методик қўлланмалар асосий таянч ҳужжат вазифасини ўтаяпти. Таълим-тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу дастур ва қўлланмаларга ҳар йили ўзгартиришлар киритиб борилади. Шунингдек, барча меъёрий ҳужжатларнинг юритилиши тартибга солинди. Ташкилий ва бошқарув, ўқув-педагогик ҳужжатлар Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 20 февралдаги 61-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Баркамол авлод" болалар марказларида ҳужжатларнинг юритилиши бўйича Йўриқнома" асосида тартиблаштирилган.

Илгари МТТМлар тор доирада, яъни қатъий белгиланган йўналишдагина иш олиб борган бўлса, "Баркамол авлод" болалар марказлари эндиликда эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда кўптармоқли тўгаракларни ташкил этиш ҳуқуқига эга. Марказимиздаги техник, бадиий, ўлкашунослик ва экология йўналишидаги тўгараклар ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари талаб ва эҳтиёжига кўра, ҳудудий хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилган. Бундай ёндашув ўқувчи қамровининг кенгайишини таъминлайди. Тўгарак машғулотлари савияси ва сифат даражаси тубдан яхшиланмоқда. Мураббийлар эскирган таълим услубларидан воз кечиб, замон талабига мос, ўқувчи-ёшларнинг билим савиясини оширишга хизмат қилувчи, уларни эркин ва ижодий фикрлашга ундовчи услублардан фойдаланмоқда. Замонавий педагогик ва медиатаълим технологиялари базаси шакллантирилди. Ушбу технологиялар воситасида тасвирли машғулот олиб бориш, мунтазам янгиланиб турувчи маълумотларга эга бўлиш, масофадан туриб ўқитиш, эркин мулоқотга киришиш имконияти яратилди. Барча тўгараклар ахборот технологиялари ҳамда аудио ва видеотехника воситалари билан тўлиқ жиҳозланган. Асосийси, болалар улардан тўлиқ фойдаланмоқда. Тўгарак аъзолари ҳар қандай техник моделни яратишдан аввал унинг умумий кўриниши, уч ўлчамли шакли, деталлари, турли ишчи чизмаларни компьютерда лойиҳалаштиради. Тайёр чизмалар босма нусхада чиқарилгач, қўл меҳнати билан модел яратилади.

Техник тўгараклар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида электрон шаклдаги ўқув дастурлари ва методик қўлланмалар тайёрланмоқда. "Ёш дастурчи" ва "Компьютер сабоқлари" тўгараклари учун мультимедиали ўқув қўлланмаси тайёрланиб, фойдаланиш учун барча "Баркамол авлод" болалар марказларига тақдим этилди. Мактабдан ташқари таълим муассасаларида техник ижодкорлик борасида олиб борилаётган тажрибалар билан танишиш, мутахассис ва қизиқувчилар билан мулоқотга киришиш мақсадида марказимизнинг махсус сайти ташкил этилган бўлиб, унда устоз-мураббийларнинг иш тажрибалари ва истеъдодли ўқувчиларнинг ижодий ишларидан намуналар мунтазам равишда намойиш этиб борилади.

Авваллари кузатилган ҳолат — тўгаракларни хомашё билан таъминлаш борасидаги муаммо ҳам ўз ечимини топган. Илгари маълум муддатдагина олинган хомашё ўқув жараёнидаги талабни тўлиқ қондира олмаган бўлса, ҳозир тўгарак раҳбари томонидан талабнома асосида ота-оналар тўлови ҳисобидан хомашё, меҳнат ва ўқув қуроллари харид қилиш имконияти мавжуд.

"Баркамол авлод" болалар марказларига нисбатан кенг жамоатчиликда, айниқса, ота-оналар, ўқувчиларда ижобий муносабат юзага келди. Барча марказларнинг замонавий кўриниш касб этгани, тўлиқ мукаммал таъмирдан чиқарилгани қувонарлидир. Таъмирланган ёруғ ва кенг машғулот хоналарида янги мебель ва ўқув воситаларини кўриб кўзингиз қувнайди. Ана шу кенг имкониятларнинг барчаси келажагимиз эгалари бўлган ёшлар учун, азиз фарзандларимиз учун.

Хадича ЗОКИРОВА,
"Баркамол авлод" республика болалар техник ижодиёт маркази директори

Milliy qadriyatlarimiz

Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасида кураш тушаётган полвонларни кузатиб ўтирган давра шундай гурунглашади: “...ўзимизнинг олишни фақат тўйда ё “Ҳосил байрами”да кўрамиз? Ё, олишимиз спорт эмасми?”. “Спорт ҳам гапми, санъат!”. “Масалан, дунёдаги кўпгина халқлар ўзларининг ҳеч бўлмаганда, битта спортини жаҳон миқёсига кўтарган. Биздан эса жаҳонга кўтарилган биттаям спорт тури йўқ...”.

Асардаги қаҳрамонларнинг орзуси, ўкинчи, нияти, армони давра аҳлиникигина эмасди, бу истак ўтган асрда маданиятини, қадриятини чопонининг енгида яшириб яшаган халқимизники эди. Элимиз уч ярим минг йиллик йўл босиб келган курашининг спорт турига айланиши, жаҳонга чиқиши, дунёда тан олинишидан умидвор эди. Асрлар давомида кураш ҳам халқимиз каби не-не синовларни, не-не тазйиқларни бошидан ўтказмади. Асл айнимас деганларидай, кураш тўйларда бўлса ҳам, сайилларда бўлса ҳам, ҳосил байрамларида бўлса ҳам, асрларнинг силсилаларидан эсон-омон ўтиб яшаб келаверди.

Барчаси курашчасига ҳалол бўлди







Полвон сўзи ор сўзи билан доимо ёндош келади, йўлдош юради. Керак бўлса, полвоннинг ори ўзидан олдин туради. Орсиз полвонни полвон демайдилар. Ундайларни полвон санамайдилар. Халқимиз даврада йиқилган полвоннинг рақиби билан курашишга чиққан бошқа полвонни “фалончи полвоннинг орига чиқди”, дейди. Бу орига чиқиш акасининг орига чиқиш, укасининг орига чиқиш, дўстининг орига чиқиш, қишлоғининг орига чиқиш, элининг орига чиқиш, миллатининг орига чиқиш, деганидир. Ори бор миллат миллатдир.

Эл орасида полвон сўзи жуда кенг маънода ишлатилади. Бу сўз юртимизнинг баъзи ҳудудларида курашчиларга нисбатан ишлатилса, баъзи жойларда чавандозларни ҳам полвон дейишади. Халқ чавандозлик билан полвонликни ака-ука дейди. Бу гапда жон бор. Негаки, курашчи чавандозлик ҳам қила олган, от чопган полвон кураш ҳам тушиб кетаверган.

Кураш — инсонга куч ато этади. Кураш — одамни эпчил этади. Кураш — кишини иродали қилади. Кураш азалдан халқимизнинг ҳаёти, турмушининг ажралмас қисми бўлиб келган. Агар у миллат ҳаёти билан чамбарчас боғланмаганида бугунгача етиб келмасди, келолмасди. Миллатимиз кучли бўлиши учун, эпчил бўлиши учун, иродали бўлиши учун курашни бугунгача йўқотмай, асрлардан асрларга олиб ўтиб келди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўзбек курашининг ёши камида уч ярим минг йилдан зиёд экан. Бунга тадқиқотлар, археологик топилмалар, илмий кузатувлар асос бўлади. Сурхон, Зарафшон воҳалари ҳамда Фарғона водийсининг қадимги аждодларимиз яшаган жойларида аниқланган дурдона топилмалар, осори атиқалар, қоятош суратлари бунга далил бўла олади. Қадимги Бақтрия ҳудудидан топилган жез даврига оид цилиндрсимон сопол идиш парчасида икки курашчи ва улардан бирининг рақиби оёғидан чалаётгани, яна бир идиш гардишидаги ҳайкалчаларда паҳлавонларнинг қўлларини кўтариб курашга шайланаётгани, шу даврга оид бошқа археологик топилмада эса полвонларнинг кураш усулларини намойиш қилаётгани, Самарқанд яқинидаги Челак қишлоғидан топилган илк ўрта асрларга оид геометрик нақшлар солинган идишлардаги икки полвоннинг худди ҳозирги курашимиз услубида беллашаётгани — буларнинг ҳамма-ҳаммаси кураш қадим-қадим замонларда ҳам аждодларимиз турмуш тарзининг бир қисми бўлганини билдиради.

II-III асрда яшаган юнон ёзувчиси Клавдий Элианнинг ёзишича, ҳудудимизда умр кечирган сак қабиласи қизлари ўзларига куёвни йигитлар билан курашиб танлаган экан. Кейинчалик қизлар куёвни шарт қўйиш йўли билан аниқлашади ва бу шартда кураш мусобақаси ўтказилади. Бунга ўзбек халқ қаҳрамонлик достони — “Алпомиш”даги Барчин шартларидан бирини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. “Курашда алпларнинг барини йиққанга тегаман”, дейди Барчин. Бундан ташқари “Гўрўғли”, “Авазхон”, “Рустам”, “Тўлғоной”, “Кунтуғмиш” сингари достонларда, эртак ва ривоятларимизда ҳам кураш мадҳ этилиб, паҳлавонларнинг эпчил ва чаққонлиги, зукко ва донолиги куйланган.

Этнограф Сергей Толстовнинг ёзишича, Ўзбекистон ҳудудида кураш IX–X асрларда кенг ривожланган, халқ сайилларида мусобақа ўтказиш анъанавий тус олган. Маҳаллий аҳоли турли маросимларни нишонлашда, айниқса, Наврўз кунлари кураш мусобақалари ўтказишган.

Бу каби тарихий манбаларни ўрганверсангиз яна қанча-қанча фактларга дуч келасиз. Буларнинг барини битта мақолага сиғдириб бўлмаслигини ҳисобга олиб, кураш тарихига оид маълумотларга шу ерда нуқта қўйсам.

Ўзбек курашининг усуллари самбо, дзюдо кураши усулларига ўхшаб кетиши ҳақида гаплар баъзи-баъзида қулоғимизга чалиниб қолади. Мақола тайёрлаш учун манбаларни ўрганиш чоғида қизиқ бир фактга дуч келдим. Фикримни тўлароқ англатиш учун гапни узоқроқдан бошласам.

Ўтган асрнинг ўрталарида шахрисабзлик полвон Ражабали Бобоёров ўн саккизга тўлганида армияга чақирилади. Хизматни Москва вилоятидаги ҳарбий қисмларнинг бирида бошлайди. Ражабали у ердаги беллашувларда маҳоратли курашчи эканини кўрсатиб, кўз очиб юмгунча ҳарбий қисмлараро мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини олади. Аскар йигитнинг эпчиллигини кўрган бир грузин мураббийси у билан обдон шуғуллана бошлайди. Ўша замонларда ҳарбий хизмат муддати уч йил бўлиб, шу йиллар оралиғида у ҳарбийлар, ҳарбий қўшинлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда ва Москва шаҳри биринчилигида ўз вазни бўйича бир неча марта чемпион бўлади.

Самбо курашининг назариётчиларидан бўлмиш Анатолий Харлампиевнинг назарига тушган Ражабали йигитлик бурчини ўтаб бўлгач, самбочининг таклифига кўра, Москва шаҳридаги спорт мажмуаларидан бирида қолади. Ражабалининг ҳаракатларида ўзбек курашининг бир нечта қадимий усуллари борлигини пайқаган мураббий машқларни соатлаб кузатиб ўтириб, полвон йигитдан бу усулларни ўргана бошлайди.

Бу орада Ражабалининг отаси вафот этади. У Харлампиевга отасининг вафот этганини билдирар экан, совуқ хабардан изтиробга тушган зукко ва сахий қалбли бу инсон Ражабалига ҳамдардлик билдириб: “Юртингдан уйланиб қайтиб кел, ҳокимиятдагилар билан келишиб, сенга икки хонали уй олиб бераман”, дейди. Ражабали отасини сўнгги йўлга кузатгач, уч ой ўтиб Москвага қайтади. Харлампиев ундан: “Хотининг қани?” деб сўраса, Ражабали уйланмаганини айтади. Шунда самбочи: “Ундай бўлса, сени рус қизига уйлантираман”, дейди. Ражабали етук назариётчининг таклифига рад жавобини билдиради. Мураббий сабабини сўраганида, у: “Рус қизига уйлансам, қариганимда у менга яхши қарамай қўяди”, деб жавоб беради. Содда йигитнинг сўзларидан завқланган устоз қорнини ушлаб роса кулади-ю, сўнг: “Майли, сен машғулотларингни давом эттиравер, ўзбекми, тожикми, хоҳлаганинг ҳам топилиб қолар”, дейди.

Орадан бир йилча вақт ўтиб, Ражабали синглисидан хат олади. Мактубда укаси ҳарбий хизматга чақирилгани, уйда онаси билан синглиси ёлғиз қолгани, оиланинг иқтисоди яхши эмаслиги айтилган эди. Уйдагиларининг аҳволидан ташвишга тушган Ражабали бир неча кун нима қиларини билмай гарангсиб юради. Хавотирли ўйлар ичида ҳаловатсиз юриш жонига теккач, юрагидаги оғир юкни устозига тўкиб солади. Харлампиев фозил ва закий одам бўлгани боис аввалига ўзи бирор фикр айтмасдан: “Ўзинг нима дейсан?” деб Ражабалининг кўнглига қўл солади. Ражабали қондошларининг қошига бормасликдан бошқа чора йўқлигини, бир неча кундан буён атрофлича ўйлаб, шундай қарорга келганини айтади. Унинг қароридан афсус чеккан Харлампиев Ражабалини буюк келажак ва улкан ғалабалар кутаётганини, агар у самбо билан мунтазам шуғулланса, Осиё, Оврупо ва Жаҳон чемпиони деган юксак номга сазовор бўлишини айтади. Бироз сукут сақлагач, фикрини шундай давом эттиради: “Аммо она меҳри ва розилиги ҳар қандай унвон ва шон-шуҳратдан юксакда туради, сен онангнинг олдига бор, уни рози қила олсанг, рўзғорингнинг каму кўстини тўлдиргач бемалол бағримизга қайтишинг мумкин. Сен учун, сендай полвон учун, қадрли Ражабали, Россиянинг барча эшиклари ланг очиқ. Агарда қайтиш насиб қилмаса, юртингда самбо курашидан мураббий бўл, ёшларга курашнинг сир-асрорларини ўргат. Мен сенинг яхши устоз бўлишингга ишонаман. Умрингнинг охиригача мураббийлик билан шуғуллансанг, сен таълим берган болалардан ҳали кўп чемпионлар чиқади. Самбо кураши ўзбеклар учун янгилик бўлмаса-да, уларнинг орасида бу курашни ташкил қиладиган зўр мутахассис йўқ ҳисоби. Шу гапимни ҳам ҳеч қачон эсингдан чиқарма, Ражабали! Сенга қанча ўргатган бўлмайин, мен ҳам сендан кам нарса ўрганмадим, сенинг шарофатинг билан дунё самбосига, самбо қўлланмасига ўзбек кураши усулларини олиб кирдим”. Мураббий юрагидагиларни айтгач, Ражабалини маҳкам бағрига босади.

Чинданам, Харлампиев айтганидай, Ражабали Бобоёров юртимизга қайтгач, кўплаб шогирдлар тайёрлайди. У кишининг устозлиги, инсонийлиги, соддалиги, бу энди, алоҳида мавзу.

Қаранг, 1938 йили асос солинган самбо спорт тури ўзбекча кураш, озарбойжонча гюлеш, грузинча чидаоба, қозоқча курес, молдаванча, бурятча, финча, французча, американча, швейцарча, инглизча, ланкашир ва кемберлендча кураш, японча дзюдо ва сумо усулларини ўз ичига олиши манбаларда ҳам кўрсатилган. Ўзбек йигитига бўлган шунча эҳтиром, ҳурмат; у сабаб курашимизнинг усуллари самбо ва унинг қўлланмаларига кириб қолгани одамни бир қувонтирса, бир ичимизни куйдиради. Қатағон шамоли эсиб турган у даврларда ўзбек курашининг самбо каби дунёга юз тутиши орзуларда эди, холос.

1991 йил...

Собиқ иттифоқ даврида таҳқирланган, тақиқланган урф-одатларимиз, қадриятларимиз тиклана бошланди. Улар орасида кураш ҳам бор эди. Уни спорт турига айлантириш учун илк қадамлар ташланди, жаҳон майдонларига олиб чиқиш ғояси илгари сурилди. Курашчилар сулоласи вакили, бир неча кураш турлари бўйича халқаро миқёсда спорт устаси Комил Юсупов ўзбекча курашнинг халқаро андозаларга мосланган қоидаларини ишлаб чиқди. 1992 йилнинг 14 апрелида Комил Юсупов Юртбошимиз ҳузурида бўлганида давлат раҳбарининг: “Нима учун ўзбек курашини бошқа халқларнинг миллий спорт турлари қатори жаҳон майдонига олиб чиқиш мумкин эмас?” деган саволи кураш нуфузини ошириш иштиёқида ёниб юрган полвоннинг юрагидаги чўғни алангалатиб юборди.

Ўша йиллари Шаҳрисабзда Амир Темур, Хоразмда Паҳлавон Маҳмуд, Термизда Ал-Ҳаким ат-Термизий хотираларига бағишланган халқаро турнирлар кетма-кет ўтказила бошланди.

1992 йили Ўзбекистонда Кураш федерацияси ташкил этилди. Федерация том маънода шаклланиб, кураш қоидалари халқаро нормаларга мослаштирилгач, бу қадрият хорижий мамлакатларда ҳам кенг тарғиб қилина бошланди. Бу жараён осон кечмаган. Негаки, 1993 йили Комил Юсупов Канадада дзюдо бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ўзбек кураши баҳсларидан тайёрланган видеолавҳаларни жаҳон спорт жамоатчилигига тақдим этиши, 1995 йили Ҳиндистонда ўтказилган Осиё дзюдо конференциясининг конгрессида ўзбек кураши ҳақида кенгроқ маълумот берилиши, кураш усуллари намойиш қилиниши ўз-ўзидан бўлмагани аниқ.

Ниҳоят, 1998 йилнинг 6 сентябрида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган таъсис Конгрессида 28 мамлакат вакили иштирокида Халқаро Кураш ассоциациясига асос солинди. Европа, Осиё, Панамерика ва Океания Кураш конфедерациялари тузилди. Бугунги кунда ассоциацияга 123 та миллий федерация аъзо.

Бу ташкилотлардаги мураббийлар турли миллат болаларига ўзбек курашининг сир-асрорларини ўргатишади, машғулотлар ўтказади, мусобақалар ташкиллаштиради, халқаро турнирлар уюштиради...

Шу ўринда курашчиларимизнинг кийими ва унинг рангига алоҳида тўхталиш ўринли, чамамда. Мустақилликка қадар тўйларда, сайилларда полвонлар устларига нима топса — кўйлак билан ҳам, яктак билан ҳам, желак ё чопон билан ҳам майдонга тушиб олишаверган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида тартибли тарзда яратилган кураш кийими халқаро майдонга чиқиши керак бўлган спорт тури учун у қадар ҳам мос эмасди. Бугунги кунда гиламга чиққан полвонларнинг кийимига эътибор қилсангиз, уларнинг яктаги кўк ва яшил, шалвари оқ, белбоғи қизил рангда эканини кўрасиз. Гиламга биринчи чиқарилган иштирокчи кўк яктакни кияди, иккинчиси эса яшилини. Бу формани ташкил этган инсон жуда узоқни ўйлаганини кийимларини кийиб гиламга тушган полвонлар кураша бошлаганида биласиз. Бир полвоннинг устидаги кўк, иккинчисининг эгнидаги яшил ва ҳар иккаласининг белидаги қизил белбоғ ва ҳакамнинг оқ кийимидан Ўзбекистон Республикаси байроғининг рамзи келиб чиқади. 1996 йили Комил Юсупов томонидан яратилган рамзий маънодаги бу форма ҳозирги кунда патентланган. Бугун жаҳонда ташкил қилинган ва қилинаётган барча Федерацияларда полвонларга ушбу кураш кийими кийгизилади.

1999 йилнинг 1–2 май кунлари Ўзбекистон тарихида унутилмас сана бўлди, халқимизнинг минг йиллик орзуси амалга ошган кун сифатида тарихда қолди — Тошкентда биринчи жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда дунёнинг 50га яқин давлатидан спортчилар келди. Курашчиларимиз Акобир Қурбонов, Камол Муродов, Тоштемир Муҳаммадиев олтин медални қўлга киритганини бугун кўпчилик фахр билан эслайди. Ўшанда курашимизнинг халқаро миқёсда тан олиниб, спорт турига айланганини кўрган кўплаб полвон боболаримиз кўз ёшларини тиёлмаганлари ҳам ҳақиқат. Чунки полвонлик ори бор ҳар қандай одам ўз миллатининг ўйини спорт турига айланганини кўрганда юраги тўлқинланиши аниқ. Ўша чемпионат ҳақида голландиялик Франс Хукендайк шундай фикр билдирган: “Агар биринчи жаҳон чемпионати Тошкентда ўтказилмаганида, бу тарихнинг хатоси бўлур эди. Чунки хорижлик полвонлар бу ерга курашни ўргангани келишади. Ўзбекистон — кураш ватани. Кураш менга жуда ёқди. Унда мардонаворлик мужассам. Ўзга юрт полвонлари буни англаб етишса борми, фақат ўзбекча кураш тушгиси келиб қолади”. Бу ҳақиқий эътироф эди. Бу курашимизнинг дунёга чиқиши эди. Бу илдизлари минг йилликларга бориб тақаладиган қадриятимизни ўзгалар тан олиши эди.

Чинданам, ўшанда Тоғай Мурод қаҳрамонларининг орзуси, халқимизнинг армони амалга ошди — курашимиз спорт тури сифатида жаҳонда тан олинди. Бугун эса у Осиё ўйинлари сафига қабул қилинди. Яна бир орзуимиз бор: тез орада ўзбек кураши олимпия ўйинлари сафига қўшилсин!

Курашда бўғиш, рақибга оғриқ беришга рухсат этилмайди. Курашда ғирромлик йўқ. Курашда ҳалоллик бор. Гиламдаги полвонлардан бирининг тиззаси ерга тегдими, ҳакам ўйинни тўхтатиш ҳақида буйруқ беради. “Спортнинг қайси турида ғирромлик бўлмаса, ҳалоллик устун турса, қолаверса, жароҳат олиш хавфи имкон қадар кам бўлса, бу соҳага қизиқиш ўз-ўзидан кучаяверади”, дейди арманистонлик Артур Даниля. Чиндан, жароҳат олиш бўйича кураш спорт турлари ичида энг охирги ўринларда тургани учун ҳам унга бутун дунё қизиқиш билдирмоқда. Айниқса, курашнинг хавфсиз ва тез ўзлаштириладиган спорт тури эканини ҳисобга олиб ота-оналар қизларини ҳам курашга бераяпти...

“Биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин ва зарур? Бу саволга жавоб тариқасида фахр-ифтихор билан шундай дегим келади. Биз XXI асрга энг катта бойлигимиз — мустақиллик тиклаган Миллий Қадриятларимиз ва Курашимиз билан бирга ўтамиз”. Юртбошимизнинг янги аср остонасида туриб айтган гаплари беҳад ўринли эди. Биз курашни XXI асрга эсон-омон олиб ўтдик. Ўтгандаям ҳалол олиб ўтдик, ўзбекона олиб ўтдик. Бугун жаҳон саҳнасида Ўзбекистон байроғининг оқ рангини эгнига илган ажнабий ҳакам “кураш”, “ҳалол”, “ёнбош”, “чала”, “тенг”, “танбеҳ”, “дакки”, “ғирром” дея ўзбекча ҳайқираяпти. Байроғимизнинг ранглари — кўк ва яшил яктак кийиб, белига қизил белбоғ боғлаётган полвонлар эса ўзбекча олишаяпти.

Сўзимни Тоғай Муроддан бошлагандим. Якунда ҳам ёзувчимиз асарига мурожаат қилсам. “Юлдузлар мангу ёнади”да кураш кечаси ой ёруғида, симчироқ нури остида бўлиб ўтади: “Полвонлар оёғига зах ўтмасин учун даврага сомон сепилди. Давра четида ёниб бўлмиш олов чўғи яшнади. Полвонлар совуқ қотса, ана шу чўққа исинади. Тун совуқ бўлди. Совуқдан қор ҳиди келди. Давра жунжикиб-жунжикиб: — Уҳ-уҳ, қорнинг совуғи-я, — деди. Дарҳақиқат, Кератоққа биринчи қор тушди”.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида пахта балосидан халқимиз, асарда тасвирланганидай, тўйларини қишда, тўй курашларини қоронғуда ўтказган экан. Мустақиллик йилларида ким қай маҳалда хоҳласа — йилнинг қай фаслида бўлса-да, тўй қиладиган бўлди. Тўйлардаги курашлар ҳам кундузга кўчди. Энди тўйларда полвонлар қишда, қоронғуда эмас, ёзда, баҳорда, кузда, энг муҳими, кундузи, қуёш ёруғида олишадиган бўлди, сомон тўшалган давраларда эмас, халқаро майдонлардаги гилам устида курашадиган бўлди. Курашчасига ҲАЛОЛ бўлди. Ўзига шукур!

Фозил ФАРҲОД

2016-yil 13-avgust, № 65 (8922)

Бўлажак шифокорлар

физика қонунларини ҳам чуқур билиши зарур

Ҳозир физика ва техника соҳасида эришилган улкан ютуқлар тиббиётнинг айрим соҳалари ривожланишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Натижада соҳа янги тиббий техника воситалари билан таъминланмоқда. Даволаш жараёнида янги ташхис усулларининг кашф этилиши тирик организм ичида содир бўлаётган ҳодисаларни кўришга кенг имкон яратган бўлса, электрон кучайтириш техникасининг тараққиёти, оптик микроскопларнинг ихтиро қилиниши ва шунга ўхшаш қатор кашфиётлар беморларга ташхис қўйиш ишларини осонлаштираяпти. Аслида буларнинг бари физика қонуниятларига бориб тақалишини ҳаммаям билавермайди. Шунинг учун ўқувчиларга дарс жараёнида физика қонунларини чуқурроқ ўргатиш зарур бўлади. Айримлар етук шифокор бўлиш учун табиий фанлар, жумладан, кимё, биология, одам ва унинг саломатлиги, анатомия фанларини яхши ўзлаштириш кифоя, деб ўйлайди. Инчунин, бугунги кунда замон талабига жавоб бера оладиган яхши шифокор тиббиётга оид фан сирларини мукаммал билиш билан бир қаторда замонавий тиббиёт жиҳозларидан тўғри, оқилона фойдалана олиши ҳам керак. Бу талаб тиббиётнинг бевосита физика ва математика фанлари ҳамда уларнинг қонуниятлари билан алоқадорлигини кўрсатади. Турли касалликларни ташхислашда жуда кўп ўлчов асбоблари(термометр, фонендоскоп, глюкометр, танометр каби)дан фойдаланилади. Уларнинг ҳар бири инсондаги муайян касаллик ҳақида шифокорга ахборот беради. Беморларга ташхис қўйишда МРТ, МСКТ, рентгенологик текширувлар, замонавий лаборатория, генетик текширувлар, кардиологик текширувлар, ультратовуш ташхиси ва бошқалардан фойдаланилади. Бу тиббий техника воситаларининг ишлаш жараёни ҳам бевосита физика қонунларига таянади. Шу маънода ўқувчиларга дарс ва машғулотларда ўлчов асбоблари ва тиббиёт анжомларининг ишлаш жараёнида рўй берувчи физикавий ҳодиса ва қонуниятларни батафсил тушунтириш фойдадан холи бўлмайди.



1. Термометр. Совуқ ва иссиқ жисмлар ўртасидаги фарқни ҳаммамиз ҳам яхши биламиз. Ушлаб кўриб қайси жисм иссиқроқ эканини янглишмай аниқлаймиз ва бу жисмнинг температураси юқорироқ, дея оламиз. Жисмнинг ҳароратини ўлчашга имкон берадиган асбоб термометр дейилади. Киши танасининг ҳароратини ўлчаш учун тиббиёт термометрини 3–5 минут қўлтиғига қисиб туради. Шу вақт ичида термометрдаги симоб исиб, унинг сатҳи кўтарилади. Одам танасининг ҳарорати билан симобнинг ҳарорати тенглашганда иссиқлик мувозанати қарор топади, яъни симоб сатҳи кўтарилишдан тўхтайди ва унга қараб тана ҳарорати аниқланади. Терида молекулаларнинг ўртача кинетик энергияси ўзгаришини сезадиган асаблар сезгир бўлгани учунгина бизда иссиқ ёки совуқ ҳисси пайдо бўлади.

Айтиш жоизки, киши танасининг ҳарорати атиги бир градус ўзгарганда у беҳол бўлиб қолади. Ҳароратнинг ўзгариши жисмларнинг ҳамма хоссаларига таъсир кўрсатади. Масалан, иситилганда қаттиқ жисмларнинг ўлчамлари ва суюқликларнинг ҳажми ошади. Босим ўзгармас шароитда ҳарорат кўтарилганда маълум бир массали газнинг ҳажми қонуниятга асосан чизиқли равишда ортади...” Иссиқлик мувозанати. Термометрлар”, “Гей-Люссак қонуни” мавзуларини ўтишда ана шу жиҳатлар эътиборга олинади.

2. Танометр. Одамнинг қон айланиш тизими ишини гидравлик машина иши билан таққослаш мумкин. Юрак насосга ўхшаб томирлар орқали қонни ҳайдайди. Юрак қисқарганда қон юракдан сиқилиб артерия томирларига ўтади, бунда қон уни қайтадан юракка ўтказмайдиган клапанлар орқали ўтади. Сўнгра юрак бўшашади ва шу вақт давомида ўпка ва вена томирларидан келган қонга тўлади. Қон босимини ўлчайдиган асбоб танометр дейилади. “Танометр” сўзи грекчадан олинган бўлиб, “босимни ўлчаш” маъносини англатади. Мослама бемор қўлига маҳкамланадиган манжета, ҳаво ўтказувчи насос ва манжетадаги ҳаво орқали қон босимини кўрсатувчи манометрдан иборат. Манжета мато жилд ичига солинган ясси резина камерадир. Қон босимини ўлчашда манжета қўлнинг тирсак бўғинларидан юқорироғига ўралади. Сўнгра манжетага ҳаво дамланади, бу ҳаво манжетани кенгайтиради ва асосий артерияда қон ҳаракати тўхтагунча қўлни қисади. Врач стетоскоп ёрдамида артериядаги қон пульсациясини эшитади. Қоннинг босими манометрга қараб аниқланади, бу босим қоннинг энг юқори (юракнинг қисқариши вақтидаги) босими бўлади. Врач манжетадан ҳавони чиқараверади. Товушнинг ўзгариши орқали манжета қон ҳаракатига тўсқинлик қилмаётганини билдирган пайтда қайтадан манометрга қараб унинг кўрсаткичи қайд қилинади. Бу қоннинг энг паст босими бўлади. Соғлом одамларда энг юқори босим тахминан 120—125 мм сим.уст.га, энг паст босим 70—75 мм сим.уст.га тенг бўлади. Юрак қонни куч билан ҳайдаганда, босим артериал қон томири деворига таъсир қилгани туфайли улар тораяди ва қон босими юзага келади. Танометр билан қон босими ўлчанганда 130/90 мм сим.уст.га тенг бўлсин. Бу нимани билдиради? Биринчи 130 сони систолик артериал қон босими, яъни юрак қисқарганда артерия қон томирининг қон билан тўлиши вақтидаги артериядаги босим, 90 сони эса диастолик артериал қон босими деб аталади ва юракнинг ҳар бир зарб орасида навбатдаги қисқариши олдидан дам олиши тушунилади. “Суюқлик ва газларда босим. Атмосфера босими. Босимни ўлчовчи асбоблар” мавзуларини ўрганишда танометр тиббий асбобининг ишлаши ўқувчиларга атрофлича тушунтирилади.

3. Фонендоскоп — ички аъзоларда юзага келадиган товушларни эшитиб улар фаолиятини ва ҳолатини текширади. Масалан, юрак уришини ва ўпкани эшитиб, унинг соғ ёки касаллигини аниқлайди. Фонендоскоп тиббиёт амалиётида юрак, ўпка, қон-томир касалликларини, шунингдек, қон босимини аниқлашда муҳим диагностик аҳамиятга эга. Фонендоскоп ёрдамида одамнинг нафас олиш тизими(ўпкаси)ни эшитиб тиббиёт ходими беморга ташхис қўяди. Фон (юнонча phone—товуш) товуш баландлиги даражасининг бирлиги. Турли частотали товушлар ҳар хил баландликка эга бўлса-да, уларнинг интенсивлиги турлича бўлади. Товуш баландлиги частотаси 2000 Гц бўлган тоза тондаги товуш билан таққосланиб баҳоланади. “Товушлар” мавзусини ўтишда фонендоскопнинг ишлаш жараёни тушунтириб берилади.

4. Шприц ишлашида рўй берувчи физик жараёнлар

“Суюқлик оқимининг узлуксизлик тенгламаси. Бернулли тенгламаси. Сирт таранглик кучи. Термодинамикада иш” мавзуларида ўрганиладиган қонуниятларга тиббий асбоблар — шприц ва капельницалар ҳам бўйсунади. Бернулли қонуни қуйидагича таърифланади: кўндаланг кесим юзаси кичик бўлган найларда суюқлик оқимининг тезлиги катта бўлади ва аксинча, кўндаланг кесим юзаси катта бўлган найларда суюқлик оқимининг тезлиги кичик бўлади. Шу қонунларга шприц ва капельницаларда борадиган жараёнда гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Шприц ва шприц системалари тиббиётда ва тиббий фармокологик технологияларда кенг қўлланилади. Шу сабабли шприцнинг ишлашида рўй берувчи физик жараёнларни нафақат бўлғуси тиббиёт ходимлари, балки барча тушуниши мақсадга мувофиқдир. Шприц ишлаши жараёнида рўй берувчи физик жараёнлар бир вақтда физиканинг бир қанча бўлимларини ўз ичига олади. Шприц цилиндридаги поршеннинг ҳаракатини кузатайлик. Эритма шприцга сўрилаётганда ёки инъекция юборилаётганда қуйидаги физик ҳодиса ва жараёнлар рўй беради: эритма шприцга сўрилаётганда поршенга куч таъсир қилади ва унда эритма *a* тезланиш билан шприцга сўрилади. У ҳолда Ньютоннинг иккинчи қонунига асосан $F=ma$. Бу ерда m-эритма дорининг массаси. Тезланиш $a=\frac{v-v_0}{t}=\frac{v}{t}$ дан $F=\frac{mv}{t}$ ёки $Ft=mv$ деб ёзиш мумкин, чунки бошланғич тезлик $v_0=0$. Поршенга таъсир этган куч импульси шприцга сўрилган эритманинг импульсига тенглиги келиб чиқади. Демак, эритманинг сўрилиш тезлиги ва миқдори поршенга таъсир қилувчи куч импульсига боғлиқ экан. Инъекция киритилаётганда узлуксизлик тенгламасига асосан системада нисбатан мураккаб жараёнлар рўй беради. Шприц цилиндрининг кесим юзаси (поршен юзаси S_1), игнанинг кўндаланг кесим юзаси S_2 дан жуда катта ($S_1>>S_2$). Шунинг учун шприц цилиндридаги суюқлик тезлигининг кичик ўзгариши шприц игнаси ичидаги эритманинг тезлигини кескин ўзгартириб юборади. Сабаби, узлуксизлик тенгламасига асосан $S_1V_1=S_2V_2$ ва $V_2>>V_1$ бўлади. Шунинг учун одам организмида ёки қон томирига инъекция қилишда бу қонуниятга амал қилган ҳолда эритмани аста-секинлик билан юбориш керак. Акс ҳолда томир ёки организм тўқималари шикастланиши мумкин.

Одамларнинг қон томирларига ва тўқималарига инъекция жараёнида рўй берувчи физик жараёнларни билиш тиббий даволаш жараёнини онгли ва самарали ўтказишга имкон беради ҳамда қон томири ва тўқималарни шикастланишдан сақлайди. Тиббиётда физика фанининг ўрни муҳим эканлигини билган академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўз йўналишлари билан бир қаторда физика фанини ҳам катта қизиқиш билан ўрганади.

Исроил ЖЎРАЕВ,
Бухоро муҳандислик-технология институти қошидаги 2-Коровулбозор академик лицейининг физика фани бош ўқитувчиси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи

Одамзод бутун умр ўзини топишга уриниб яшайди. Катта дир-кичикдир тириклик моҳиятини англашга ҳаётининг муайян қисмини сарф этади. Бунда инсонга бевосита табиат ҳамда санъатнинг мўъжизакор қуввати кўмак беради. Адабиёт, театр, кино, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, мусиқа, рақс, балет, санъатнинг бошқа турлари инсонни тарбиялашда, тўғри йўл танлашида, энг муҳими, ўз-ўзини кашф этишида таъсирчан воситалардир.

Газетамизнинг 2012 йил 23 июнь(50-сон), 7 июль(54-сон) ҳамда 5 сентябрь(71-сон) сонларида чоп этилган "Спектаклни қандай томоша қилиш керак?" номли туркум мақолаларда театр санъати, томошабин маданияти, спектаклни томоша қилишда нималарга эътибор бериш лозимлиги хусусида театршунос Фарҳод Файзиевнинг мулоҳазалари, теран кузатишлари бериб борилганди. Бундай хайрли иш театр санъатининг нозик қирралари ҳақида муҳим маълумотларни етказгани билан қимматлидир. Туркум мақолаларнинг давоми сифатида қуйида берилаётган айрим жанрлар хусусидаги фикрлар, тушунчалар ихлосмандларнинг театр санъатини кенгроқ ҳамда тугал англаб етишига кўмаклашиши шубҳасиз.

Таҳририят

Театрнинг ибрати нимада?

Комедия — драма жанрига хос бўлган асарларнинг асосий турларидан бири. Комедиянинг бош хусусияти — томошабинларда кулгу уйғотадиган вазият ва характерлар тасвирланишидир. Комедия жанрига тааллуқли асарлар мазмуни ва ғоявий юкига кўра турлича бўлиши мумкин. **Фарс** ёхуд жиддий ҳажвий комедия ҳамда кескин, шиддатли воқеалар асосига қурилган **гротеск** руҳидаги комедиялар жанр имкониятларини кенгроқ очиб беради. Театр санъатига мансуб **фарс** жанри XIV-XVI асрларда Ғарбий Европа театри оламида яратилиб, йиллар давомида сайқал топиб, шаклланиб келган. Ўша пайтлардаги диний театрларда диний мавзудаги томошалардан ташқари маиший мазмунга эга комедия руҳидаги интермедиялар ҳам намойиш этилган. Фарс "қистирма" деган маънони билдириб, ўрта асрлар театрларида узоқ давом этувчи диний мазмундаги асосий томошалар орасига қистирилган, воқеликни ҳазил, юмор ва кулгуга ўраб ифодалаган. Бундай томошаларда халқ удумлари, урф-одатлари, ўйинларига алоҳида ўрин ажратилиб, уларнинг муҳим белгиси халқчиллик эди. Вақт ўтиб, фарс мустақил жанр сифатида қарор топиб, очиқ майдонларда, омма йиғиладиган манзилларда тез-тез ўтказилар, борган сари томошабинларнинг талаби ортарди. Халқнинг орзу-истаклари, ҳур фикрлилик, эзгу фазилатлар, келажак ҳақидаги ҳузурбахш ўйлар акс эттирилгани, кишилар тасаввуридаги дунё ғаройиботлари кўрсатилгани учун мазкур жанрнинг нуфузи ошиб борарди. Яна муайян фурсат ўтиб, фарс жанрига хос томошаларга турли ниқоблар кириб келади. Ёмон тоифадаги кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари, турмушдаги камчилик ҳамда нуқсонлар, салбий характердаги қаҳрамонларнинг феъл-атвори, табиати кулгуга олиниб, жамиятдаги иллатлар ниқоблар ёрдамида қораланади. Азалий мавзу: эзгулик ҳамда ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш фарс театрлари репертуарларини бойитиб, жанр довруғини чўққига кўтарди, уни асрлардан асрларга етаклади.

Фарс жанридан фарқли **гротеск**да инсоннинг реал ҳамда хаёлий дунёси қўшилиб кетади. "Қизиқ", "ғалати" маъноларини англатувчи мазкур услубда ижодкор муайян вазиятдаги мунофиқона муҳитни, унинг даҳшатли даражада жирканчлиги, бузғунлиги, тутуриқсизлигини фош этиш учун ҳаёт шакли ва нисбатларини бузиб кўрсатади. Шу боис гротеск ўзининг бадиий жиҳатларига кўра кулгу билан фожиавийликни, реал воқеалар билан фантастик ҳамда ҳаддан зиёд бўрттирма воқеа-ҳодисаларнинг уйғунлигини талаб этади. Гротеск трагик вазият ва ҳолатлардаги қабиҳ томонларни аёвсиз танқид қилиб, фожиавийликни томошабин кутмаган вазиятда кулгуга, комедияга буриб юборади. Бундай саҳналарни ифодалаш ижодкор(драматург)дан зўр маҳорат, катта тажриба, синчковлик, ўткир зеҳнни талаб этади. Муаллиф ҳаётда учрайдиган оддий вазият ёки кулгули ҳолатдан ўта хавфли, мудҳиш воқеликни очиб бериш, тасвирлаш орқали бир вақтнинг ўзида унинг даҳшатли, фожиавий моҳиятини таъкидлайди. Баъзи ўринларда эса асарнинг комизм (кулгулилик), фожиавийлик даражасини ошириб, воқеликни фантастикага ёхуд мудҳиш, қўрқинчли тушга айлантириши мумкин. Талабалик йилларимизда институтимиздаги қадрли устозимиз Елена Гершберг: "Агар саҳнада рўй бераётган воқеалар, персонажлар хатти-ҳаракати, гап-сўзларидан томошабин зўриқиб кулса, қаҳқаҳага берилса, кейин ўша вақтнинг ўзида бу ачинарли ва аянчли вазият таъсирида кўзларида ёш қалқиса, демак буни гротеск жанридаги асар сифатида эътироф этиш мумкин", деб уқтирган эди.

Комедия ранг-баранг, сербўёқ санъат. Ундаги асарлар комизм (кулгулилик) нинг турли шакл ва даражаларини ўзида мужассамлаштирган билан характерланади. Комедиянинг шундай турлари борки, уларда томошабин учун қувноқ кайфият, кўнгилочар вазият ва ҳолатлар яратиш бирламчи мақсад деб белгиланади. Лекин бундай асарлар мазмун-моҳиятига кўра томошабиннинг руҳий оламига сезиларли таъсир эта олмайди. Шаҳримиз театрларида узоқ вақт намойиш этилган "Отасининг қизи", "Андишали келинчак", "Қирмизи олма", "Қаллиқ ўйин" комедияларини мана шундай асарлар деб баҳолаш мумкин. Бироқ айрим комедияларга сингдирилган ғоя, мақсад-муддао комедиянинг ички имкониятларини тўла очиб беради. Таниқли адибимиз Саид Аҳмаднинг "Келинлар қўзғолони" неча замон ўтибдики, ҳануз қимматини йўқотмаган, аксинча, йиллар ўтгани сари қадри ошиб, халқ кўнглига чуқурроқ жойлашиб бораётир. Бир қарашда ўзбекнинг каттагина, серфарзанд оиласидаги доимий ғалвалар, паст-баланд гаплар кулгуга ўраб, ҳажв қилингандек, бироқ асар замирига теранроқ қаралса, унда қадимий қадриятлар, инсоний фазилатлар, халқимизнинг ўлмас анъаналари, менталитети, ядгиллиги шарқона латифалар, ҳазил-мутойибалар билан ифодаланиб, кулгу ёрдамида кишиларнинг орзу-истаклари, армонлари, кўнгилидаги тилаклари турфа рангларда чизилади. Мазкур спектакл Москва шаҳрида намойиш этилганда (1978 йил) машҳур театршунос олим К.Рудницкий: "Қаранг, бир ҳовлида етти оила аъзолари — 56 киши ўзаро иноқ-тотув яшаркан. Бизда эса оила асосан уч киши: эр-хотину битта фарзанддан иборат. Фарзанд вояга етгач, оилада жанжал, ғавғо бошланади: бу уйда ё эр-хотин ёки фарзанд яшаши керак. Ўзбеклардан барча халқлар ибрат олса арзийди", дея спектаклга жуда юқори баҳо берган экан.

Комедия инсон онгу шуурининг энг асосий томирларини қўзғаб, ҳаётнинг турли кўчаларига дадил кириб боргасина алоҳида аҳамият касб этиши мумкин. Қадимги Юнонистонда комедиянинг кўнгилочар жиҳати билан санъатнинг ижтимоий-тарбиявий вазифаси ўртасида кучли зиддият туғилган. Бунга қадимги Рим шоири Горацкий (милоддан аввалги I аср) санъатнинг икки йўналишини уйғунлаштириш зарурлигини таъкидлаб, драманинг вазифаси "Кўнгил очиш йўли билан уқтириш, ўргатишдир", дея изоҳ беради. Комедия жанрига оид энг ноёб асарлар Горацкий белгилаб берган вазифага хизмат қилади, яъни қизиқарли, кулгули ва қувноқ воқеликни намойиш этиш орқали кишилик жамияти учун бағоят муҳим ҳисобланган ғоялар, фикрлар мажмуини туҳфа этади.

Комедияда кулгунинг турли кўринишлари: ҳазил, юмор, истеҳзо, киноя, кесатиқ, ҳажв, гротеск, фарс ва бошқалар мавжуд. Юмор орқали кишида қувноқ кайфият уйғонади. Истеҳзо, кинояда эса кулгунинг нафис шакли пайдо бўлса, истеҳзога хос комизм томошабинга енгил табассум улашади. Комедиялар икки гуруҳ: фарсга хос бўлган воқеалар асосига қурилган "қуйи" гуруҳ ва муҳим ижтимоий, маънавий ғоялар билан суғорилган "юксак" комедияларга бўлинади. Комедиялар тузилишига кўра ўзида мужассам этган икки омилнинг қай бири устунлик қилиши билан ҳам ажралиб туради: вазиятлар комедияси ва характерлар комедияси. Вазиятлар комедиясида асар мазмуни тасодифий, олдиндан ҳеч ким билмаган, сезмаган, кутилмаган воқеалар асосига қурилади. Комедиянинг бу турига фитна ва зиддиятлар комедияси ҳам туташиб кетади. У ёки бу қаҳрамон феъл-атвори(характери)нинг бирёқлама ўсиб бориши, ундаги бирор камчилик, нуқсоннинг зўрайиб, кучайиши билан боғлиқ воқеалар асосига қурилган драматик асарларга эса "характерлар комедияси" деб қаралади. Бундай комедияларда қаҳрамон қилмишлари, хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари замирида юзага келадиган вазият ҳамда ҳолатлар асарнинг асосий кулгу манбаи ҳисобланади.

Эркин Воҳидов асари асосида саҳналаштирилган машҳур "Олтин девор" комедиясини "вазиятлар комедияси" турига киритиш мумкин. Асар воқеалари бошланишида икки қўшни: Абдусалом билан Мўмин ҳовлиларини ажратиб турувчи ўрта деворни бузиши ва шу асно хазина топиб олиши воқеаси бу икки қўшнини кулгули ҳолатларга солади. Абдулла Қаҳҳорнинг "Аяжонларим" комедияси эса "характерлар комедияси"дир. Асосий кулгу объекти — Бўстон образи орқали воқеалар ривожланади, унинг характери, феъл-атвори ҳамда қилмишларидаги камчилик, нуқсонлар томошага жон киритади.

Мазмун-моҳиятига кўра комедиялар маиший, романтик ҳамда афсонавий-рамзий каби турларга ажратилади. Маиший комедияларда кундалик турмушдаги воқеалар тасвирланади, ундаги конфликт амалдаги оилавий муносабат ва манфаатлардан келиб чиқади. Романтик комедиялар мазмуни эса қаҳрамонларнинг қалтис, хатарли саргузаштлари билан боғлиқ ишқий муносабатлар асосига қурилади. Ишқий муносабатлар оилавий-маиший сюжет доирасидаги ҳамда бошқа шаклдаги комедияларда ҳам учраши мумкин. Афсонавий-рамзий комедияларда асотирлар(мифлар), афсоналар, эртакларни комедия нуқтаи назаридан қайта ишлаш, улардан мавжуд давр ва кишилик жамияти учун муҳим, аҳамиятли фикр ва хулосалар ясашга жиддий эътибор қаратилади. Қадимги юнон файласуфи Афлотун: "Мазкур жанр туб моҳиятига кўра нуқсону қусурлар ёрдамида кулгу уйғотади. Бу эса ҳаёт ва инсоннинг номукаммаллигини англатади, демак, комедия трагедия жанрига яқин туради", деган. Комедия жамиятни кулгу воситасида поклашдек асосий вазифасини ҳалиҳануз сақлаб келмоқда. У одамларнинг кўнглини овлайди, овунтиради, уларга кўтаринки кайфият, тетик руҳ бағишлайди, ҳаётга муҳаббат уйғотади, завқ билан яшашни, дунёга табассум билан боқишни ўргатади.

Драматик асарлар қамрови мавжуд уч жанр (драма, комедия, трагедия)дан ташқари мелодрама ва трагикомедия кўринишидаги асарларни ҳам ўз ичига олади. Улар хусусияти, муайян қолиплари, алоҳида белгилари билан ўз томошабинига эга.

Мелодрама – драматик асарлар турининг бир кўриниши бўлиб, у ўзининг ўткир ва кескин зиддиятлари, ҳиссий кўламининг кенг қамровлилиги, яхшилик билан ёмонликнинг ҳаддан зиёд қарама-қарши қўйилиши, ахлоқ-одоб, ибратлилик бобида дидактикага мойиллиги билан ажралиб туради. Мелодрамага хос асарлар жуда кўп ҳолларда томошабин дийдасини юмшатади, кўнглини бўшатиб, вужудини ғуборлардан поклашга кўмаклашади. Мелодрамага асос бўлган воқелик томошабин ҳиссиёти, туйғуларини жунбушга келтиради, унда йиғи майлини кучайтиради, баъзи ҳолатларда асар қаҳрамонларининг тўлиб йиғлашидан томошабин уларга "ҳамроҳ", "ҳамдард" бўлади.

Трагедия ҳамда комедия элементларини ўзида жамлаган трагикомедия драматик жанрлар қаторида алоҳида ўрин эгаллайди. Драматург трагикомедияда трагик ҳамда комик эпизодларни узвий ҳамоҳангликда тасвирлашга эришса, мазмун ва мантиқ юзасидан омухталаштирса, воқеалар силсиласидаги ўзаро боғлиқликни таъминласа, асар ҳам, бўлғуси спектакл ҳам кутилган натижани бериши мумкин. Айрим ҳолларда эса муайян бир эпизодда ҳам трагик, ҳам комик жиҳатлар ўзаро аралашади. Трагикомедияда кўп ҳолларда трагик ёки комик омиллардан бири устунлик қилгани боис, воқеалар қандай тус олишини, яхлит асар қай йўсинда якунланишини олдиндан билиш қийин.

Назаримда, трагикомедия ёзувчи(драматург)га қалбини кемирган дарду аламлар, оғриқлар, ташвишларни муфассал ва тугал ошкор этишда кенг ижодий майдон, эркинлик яратади. Бу жанр инсонга қалбини, юрагини очишга имкон берувчи кучга эга. Бироқ бизда трагикомедия жанрига мансуб арзигулик асар яратилмади. Шароф Бошбековнинг "Тушов узган тулпорлар" асарини трагикомедияга бирмунча яқин асар сифатида баҳолаш мумкин.

Театр санъатининг мураккаб, ўзига хос жанрлари хусусидаги фикрларимиз санъатнинг илмий томонларини тушуниш, спектаклларни ўрганиш ҳамда камчилик, муваффақиятларини таҳлил этишда қўл келади. Томошабин спектакл ғояси, актёрлар маҳорати, декорация, воқеалар ривожига эътибор қаратишдан аввал томошанинг қайси жанрга тааллуқлилиги, муаллифи билан қизиқади. Жанрлар имкониятини пухта билган драматург, режиссёр, актёрларгина спектаклга руҳ кирита олади.

Фарҳод ФАЙЗИЕВ,
театршунос

2016-yil 13-avgust, № 65 (8922)

Дарҳақиқат, тўғри овқатланиш инсон саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Сиҳат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема», деган пурмаъно ҳикмати бежиз айтилмаган. Бу ҳикматдан англаш мумкинки, тирикликнинг асосий мезони ҳисобланган овқатланиш қоидаларига тўғри амал қилган киши доимо соғ-саломат юради. Тўғри овқатланиш ёки овқатланиш рациони, деган тушунчалар спортчиларга нисбатан кўпроқ ишлатилади. Чунки бу тушунчалар спортчилар учун тинимсиз машқ каби муҳимдир.

Тўғри овқатланиш — соғлом ҳаёт гарови

Шу боис ҳар томонлама етук спортчиларни тайёрлашда уларнинг нималарни еб-ичишига жиддий эътибор қаратилади. Ёшлигидан ўсиши, ривожланиши назоратга олиниб, мусобақалардаги иштирокидан тортиб, овқатланиш рационигача ўрганилади. Керак пайтда парҳез қилиш жисмоний машғулотлар каби муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, йирик мусобақаларга ҳозирлик кўрилаётганда овқатланиш масаласи долзарблашади. Маълумки, аксарият спорт турларида кўп нарсани вазнлар нисбати ҳал қилади. Мусобақада иштирок этиш учун номзоди кўрсатилган спортчи вазнини турнирга старт берилганда ҳам бир хилда ушлаб туриши керак. Шунинг учун ҳам диетологлар, спорт шифокорлари, мураббийлар ва ҳатто спортчининг ўзи ҳам парҳез масаласига пухта тайёргарликнинг бир қисми сифатида қарайди.

Соғлом ёки тўғри овқатланиш яхши спорт формасида бўлишга кўмаклашади. Спортчи организми қўшимча қувватга тез-тез эҳтиёж сезади. Бироқ нозик масала шуки, спортчи кучни нимадан олади? У дуч келган ёки одатий овқатланиш эвазига кўзлаган мақсадига эришолмайди. Спортчи истеъмол қилиши лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари назарий ва амалий жиҳатдан тасдиқланган бўлиши лозим. Шу боис халқаро экспертлар, йирик мутахассислар биргаликда профессионал спортчининг парҳез таомлари ва уларнинг таркибий қисмлари ҳақида материаллар эълон қилди.

Спортчилар ёғли таомлардан кам, ўсимлик маҳсулотларидан кўп ейиши кераклиги ҳақида эшитганмиз. Аммо бу қайси омилларга асосланиши, нега шундайлигини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз. Спортнинг исталган тури билан шуғулланаётган спортчи учун парҳез муҳим аҳамиятга эга экан, демак, бу мусобақага тайёргарликнинг ажралмас қисмидир. Спортчилар организмини барча керакли унсурлар билан таъминлаши учун, аввало, турли-туман овқатлар ейиши, бир хил таомлардан тийилиши лозим.

Углеводлар инсон организми учун сув ва ҳаводек зарур бўлиб, мушаклар ҳаракатини 50—60 фоиз энергия билан таъминловчи, енгил ҳазм бўладиган асосий қувват манбаи — глюкозанинг ўзидир. Ёғлар ва алкоголь маҳсулотларида қанчалик энергия кўп бўлмасин, улардан организм учун фойдалилиги жиҳатидан углеводлар устун туради.

Углеводлар уч гуруҳга бўлинади:

1. Моносахаридлар — органик бирикмалар, углеводларнинг асосий гуруҳларидан бири бўлиб, таркибида гидроксил гуруҳи, алдегид гуруҳи (алдозалар) ёки кетогуруҳ (кетозалар) бўлади. Ҳайвонлар, ўсимликлар организмида полисахаридлар, глюкозидлар ҳолида кўп учрайди. Улар, айниқса, фосфор эфирлари (гексозодифосфат, гексозомонофосфат) ҳолида организмдаги моддалар алмашинуви, энергия ишлаб чиқариш жараёнларида, шунингдек, углевод ва бошқа мураккаб бирикмалар синтезида қатнашади.

2. Дисахаридлар (масалан, сахароза, лактоза, мальтоза), биозалар, S|2N22OP — молекулалари икки моносахарид қолдиғидан тузилган углеводлар, ҳаммаси гликозидлар типида тузилган. Дисахаридлар ўсимлик ва ҳайвон организмларида кенг тарқалган. Одатда, табиий манбалардан, масалан, сахароза — қанд лавлаги ёки шакарқамишдан, лактоза — ҳайвонлар сутидан олинади. Аксарият ҳолларда кимёвий ва биокимёвий усуллар билан синтезланади.

3. Полисахаридлар (масалан, крахмал, гликоген) — моносахаридлар қолдиғидан тузилган юқори молекулали углеводлар. У ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмларда кенг тарқалган биополимерларнинг асосий гуруҳидан бири бўлиб, организмда турли вазифаларни бажаради. Полисахаридларга моносахаридлар ёки уларнинг ҳосилаларидан пайдо бўлган конденцатланиш полимерлари деб қаралади. Крахмал донли ўсимликларнинг (буғдой, гуруч, арпа, шунингдек, картошка) асосий қисмини ташкил этади. Дисахаридлар организмдаги моносахаридларни парчалайди. Гликоген ҳақида гап кетганда, кўпинча ҳайвонларга хос крахмал экани айтилади. У крахмал таркиби билан бир хил, лекин ўсимликдан эмас, балки ҳайвонлардан олинади. У оз миқдорда бўлса-да, жигар ва мушак ҳужайраларини муҳофаза қилади ҳамда захира энергия манбаи ҳисобланади.

Углеводларнинг организмга сўриди. Дисахаридлар организмдаги моносахаридларни парчалайди. Гликоген ҳақида гап кетганда, кўпинча ҳайвонларга хос крахмал экани айтилади. У крахмал таркиби билан бир хил, лекин ўсимликдан эмас, балки ҳайвонлардан олинади. У оз миқдорда бўлса-да, жигар ва мушак ҳужайраларини муҳофаза қилади ҳамда захира энергия манбаи ҳисобланади.

Углеводларнинг организмга сўрилиши осон кечади. Глюкоза, асосан, қонга сингиб, организмнинг барча ҳужайраларига етиб борадиган муҳим қувват манбаи бўлади. Углеводлар, айниқса, мия, асаб тизими ва қизил қон ҳужайраларига жуда фойдалидир. Углеводлар организмни гликоген шаклида ёғ босиб кетишидан ҳимоя қилади.



1-расм.

Протеинлар — молекулалари аминокислоталар қолдиғидан тузилган (бир-бири билан, асосан, амин ва карбоксил гуруҳлари орқали бириккан) моддалар. Протеин деганда кўпинча оқсил тушунилади. Протеинлар организмдаги барча ҳужайраларнинг муҳим функционал ва структуравий компонентлари ҳисобланади. Оқсиллар аниқ аминокислота кетма-кетлигидан ташкил топган. Спортчи тановул қиладиган озуқада протеинларнинг етарли миқдорда бўлиши гарчи асосий энергия манбаи вазифасини бажармаса-да, парҳез меъёрини таъминлайди. Шунингдек, протеинлар спортчи организмида углевод ва ёғ захираси камая бошлаганида ишлатилади. Ортиқча оқсиллар ёғга айланади ёки танадан чиқиб кетади.

Ёғлар. Ҳар қандай парҳезда ҳам озиқ-овқат таркибида оз миқдорда ёғ бўлиши зарур. Яхши спорт формасини бир маромда ушлаб туриш учун танадаги калорияни ошириб бориш даркор. Ёғли кислоталар организмга секин сингади, шунинг учун ёғли таомларни машғулотдан олдин истеъмол қилмаслик керак. Акс ҳолда, у айрим нохушликларни келтириб чиқариши мумкин.

Ҳайвонларнинг ёғ тўқималаридан олинадиган ёғларда триглицеридлардан ташқари, глицерин, фосфатидлар (лецитин), стеринлар (холестерин), бўёқ моддалар — липохромлар, А, Е, G витаминлари мавжуд. Фосфатидлар ҳужайра ва тўқималарнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, моддалар алмашинуви жараёнида қатнашади. Стеринлар эса ёғлар ва холестерин алмашинувида иштирок этади. Денгиз сутэмизувчи ҳайвонлари ва балиқлар жигаридан олинадиган ёғларда А витамини, айниқса кўп. Сут ёғида К ва D витамини ҳам бўлади. Организмда ёғлар — асосий энергия манбаи. Ёғлар углеводларга нисбатан 2 ҳисса кўп энергия беради (1 грамм ёғ оксидланганда 9 ккал иссиқлик ҳосил бўлади).

Витаминлар (лот. вита — ҳаёт) тирик организмнинг ҳаёт фаолияти ва нормал моддалар алмашинуви учун зарур бўлган органик бирикмалар. Улар турли хил кимёвий тузилишга эга. Организмда витаминлар синтез қилинмайди, киши ўзи учун зарур дармондориларни турли озиқ моддалардан олади. Овқатда витаминлар етишмаганда гиповитаминоз, мутлақо бўлмаганда эса авитаминоз пайдо бўлади. Унинг асосий манбаи ўсимликлардир. Ҳосил бўлишида микроорганизмлар ҳам катта роль ўйнайди. Витаминларнинг биологик аҳамияти моддалар алмашинувига ростловчи таъсир этишдан иборат. У организмда содир бўладиган кимёвий реакцияларни кучайтиради, организмнинг озиқ моддаларни ўзлаштиришига кўмаклашади, ҳужайраларнинг нормал ўсишига ва бутун организмнинг ривожланишига ёрдам беради, ферментларнинг нормал функцияси ва фаоллигини таъминлайди.

Шундай қилиб, организмда бирор витамин етишмаса ёки бутунлай бўлмаса, моддалар алмашинуви бузилади. Озиқ-овқатда етишмаганда эса кишининг меҳнат қобилияти пасаяди, организмнинг касалликларга ҳамда ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирига бардоши камаяди.

Минераллар (лотинча минера — "руда") табиий биогеокимёвий жараёнлар орқали юзага келувчи қаттиқ кимёвий моддалар. Улар тошдан фарқли ўлароқ, жуда тартибли атом тузилиши билан характерланади. Минераллар соф кимёвий унсур ва содда тузлардан то мураккаб силикатларгача бўлади. Улар ҳам организм ривожи учун жуда зарур.

Спортчи кўникиши зарур бўлган муҳим қоидалардан бири бу — овқатланаётганда суюқлик аралаштирмасликдир. Меъёридаги парҳез турли-туман озиқ-овқатлар ичидан шоҳона таомларни ажратиб олиш эмас, балки фақат бир-бирига уйғунларини танлаш ва истеъмол қилиш деганидир. 2-расмда спортчи организмининг ёғларга бўлган талабини камайтириш учун углеводлар шаклидаги энергия ҳажмини ошириш лозимлигига қаратилган маълумотлар билан танишинг.

2-расм.

Шуни унутмаслик керакки, барқарор спорт формасида бўлишга халал берадиган жиҳатлар ҳам бор. Бу организмда суюқлик етишмаслиги ва энергия захирасининг камайиши билан изоҳланади.

Худди смартфонлар батареяси барқарор ишлаши учун бир маромда қувват сарфлагани каби инсон организми ҳам исталган жисмоний фаолият тури учун маълум энергия талаб этади. Организм бундай пайтда хоҳ озиқ-овқат маҳсулотларидан, хоҳ ихтиёрий энергия ресурсларидан тўйиниши мумкин. Агар организмга ташқаридан энергия кириши тўхтаса, у захира қувватидан фойдалана бошлайди ва ёғлар ҳамда углевод(гликоген)ларни ишга солади. Бу ҳам тугаса, сўнгги нажот сифатида протеинлар ҳисобига жон сақлайди. Шу боис спортчиларга машғулот пайтида углеводлар меъёрини ушлаб туриш учун махсус ичимликлар истеъмол қилишга рухсат берилади.

Демак, спортчи парҳез сақларкан, тўғрироғи, овқатланиш рационига амал қилар экан, икки жиҳатга, яъни организмида углеводлар ҳамда суюқлик миқдорининг барқарорлигига ниҳоятда жиддий эътибор бериши лозим. Шунингдек, углеводлар организм учун қанчалик муҳим энергия манбаи бўлса, шунчалик чегаралангани ҳам унутмаслик керак. Уни доимий тарзда ошириб бориш даркор. Акс ҳолда, спортчи ҳар қанча иқтидорли бўлмасин, кўзлаган мақсадига эришолмайди.

Соғлом овқатланишни ташкил этиш учун зарур моддалар, уларнинг вазифаси ва манбалари

Нутриентлар	Вазифаси	Манбалари
Углеводлар	Қувватнинг асосий манбаи гликоген даражасини оширади ва бир меъёрда сақлайди	Мевалар, нон, макарон маҳсулотлари, картошка, гуруч
Ёғлар	Қувватнинг бойитилган манбаи бўлиб, чидамлиликни оширади	Қаймоқ ва ўсимликдан олинган ёғ, ёғли таомлар
Протеин (оддий оқсил)	Мушак тўқималарини тиклашга ёрдам беради	Гўшт, балиқ, тухум, сут маҳсулотлари, ёнғоқлар, соя
Сув	Организмдаги намлик миқдори камайиб кетишининг олдини олади	Сув ёки таркиби озиқ-овқат маҳсулотлари компонентлари билан бойитилган махсус ичимликлар
Витаминлар ва минераллар	Организмда кечадиган кўплаб биокимёвий реакциялар учун зарурий компонентлар	Сабзавотлар, мевалар, сут маҳсулотлари ва ҳоказолар
Целлюлоза (бириктирувчи тўқима)	Организмнинг кўплаб вазифалари бажарилишида муҳим компонент	Зираворлар, сабзавотлар, мевалар

Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.

Янги дастурлаш тили яратилди

Массачусетс технология институти мутахассислари "Simit" номли янги дастурлаш тилини яратди. Мазкур дастур кодларнинг миқдорини 90 фоиз қисқартиришга ёрдам беради.

"Hi-News" манбасида келтирилишича, институт дастурлаш тилини яратишда Суньий тафаккур лабораторияси, Калифорния, Торонто, Техас университети ва "Adobe" компанияси билан ҳамкорлик қилди. У ҳам оддий, ҳам график процессорларда ишлаши мумкин. Бироқ график қурилмада 20 баробар тезроқ амалларни бажаради.

"Simit" тилида дастурланган маҳсулотларда кодларнинг миқдори нисбатан кам бўлади. Мазкур дастурлаш тилининг ўзига хос хусусияти шундаки, у чизиқли алгоритм асосида ишлайдиган амалларни нисбатан тез бажаради. Дастурлаш тили ёрдамида физик жараёнларни моделлаштириш нисбатан қулай ва осон. Бу эса уни бошқа соҳаларда ҳам қўллаш мумкинлигини англаатади.

Холестерин етишмовчилиги ақлий салоҳиятга таъсир қилади

Бостон университети олимларининг аниқлашича, инсонда холестерин миқдорининг камайиб кетиши унинг ақлий тафаккурига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади, деб ёзади "МедВести".

Олимлар тадқиқотга 789 нафар эркак ва 1105 аёлни жалб этишди. Кўнгиллилар "IQ" даражаси бўйича мантиқий масалаларни ечиб, ўз билимини намойиш этди. Шундан сўнг иштирокчиларнинг қонидаги холестерин миқдори ўлчанди ва лаборатория шароитида таҳлил қилинди. Тестни муваффақиятсиз топшириб, ёмон натижани қайд этган аксарият инсонларнинг қонидаги холестерин миқдори ақлий салоҳияти юқори бўлган кўнгиллиларникига нисбатан кам экани маълум бўлди.

Олимлар холестерин моддаси ахборотларни сақлашда хизмат қилиши мумкин, деган тахминни ўртага ташлади. Бироқ бу ҳали илмий исботланмаган. Холестерин моддасининг ақлий тафаккурни ўстиришга хизмат қилиши борасида яна тадқиқот олиб бориш режалаштирилмоқда. Шу сабабдан олимлар ақлий салоҳияти юқори бўлган инсонларнинг қон таҳлили намунасини жамлашни бошлаб юборди.

Ақлли сафар халтаси смартфонни қувватлантиради

"HP" компанияси гаджетларни қувватлантирувчи "Powerup Backpack" номли рюкзакни ишлаб чиқди, деб маълум қилди "The Verge".

Мазкур сафар халтасига ўрнатилган махсус аккумуляторлар ёрдамида бир вақтнинг ўзида учта қурилма, хусусан, планшет, смартфон ва экрани 17,3 дюймга тенг бўлган ноутбукни қувватлантириш мумкин. Батарея сиғими ўн маротаба смартфон, уч маротаба планшетни қувватлантиришга хизмат қилади. Ундаги ҳавони айлантирувчи махсус чўнтаклар ва ҳаво ҳароратини ўлчовчи датчиклар қурилмани қизиб кетишдан сақлайди. "Ақлли" рюкзак "HP" компанияси томонидан ишлаб чиқилган ноутбуклар, смартфонлар ва "Android" операцион тизимида ишловчи смартфонлар ва "Apple" компанияси томонидан тақдим этилган сўнгги русумдаги "iPhone" ва "iPad"ларни қувватлантиради.



Сафар халта саёҳатга отланган инсонлар учун айниқса қўл келиши мумкин. Сабаби, у сув ўтказмайдиган матодан тикилган бўлиб, денгизбўйида дам олишни хоҳловчилар учун ноқулайлик туғдирмайди. Шунингдек, ёмғир ёғаётганда рюкзак махсус ғилофига солинса, унинг ичидаги қурилмаларга зарар етмайди.

Ортиқча вазн мияни "қаритади"

"Neurobiology of Aging" журналида эълон қилинган мақолада келтирилишича, тана вазнининг ортиши миянинг қариш жараёнини тезлаштиради. Бунда меъёридан ортиқ оғирликка эга бўлган инсонларнинг мия тўқимасининг "ёши" вазн борасида муаммо бўлмаган кишиларникига нисбатан 10 ёшга фарқ қилади.



Буюк Британиянинг Кембриж университети олими Лиза Роннанинг таъкидлашича, ёши ўтгани сари инсоннинг мияси ҳажми кичрайиб боради. Семиз кишиларда эса бу жараён тезроқ амалга ошади. Бунда миянинг "куриб", вазни камайиши ёки "кексайиши" борасидаги тахминлар мавжуд эди.

Ронан ва унинг тадқиқот гуруҳи Кембрижда яшовчи 20—87 ёш оралиғидаги 500 нафар инсон миясининг магнит резонанс томография ёрдамида олинган тасвирини ўрганди ва мазкур ҳолатга ойдинлик киритди. Шунингдек, пархез, семизлик ва қанд касаллиги билан боғлиқ бошқа ҳолатлар таҳлил қилиниб, миянинг "кексайиши" ва унинг ҳужайраларининг ҳалок бўлишига сабаб бўлувчи омиллари аниқланди. Британиялик нейрофизиологлар кўнгиллилар мия пўстлоғининг қалинлиги, катталигини ўрганди ва ўзаро солиштирди.

Хулосага кўра, ортиқча вазнга эга бўлган ва озғин инсонларнинг миясида сезиларли фарқ мавжуд. Мазкур ҳолат эса 40 ёшдан сўнг юзага чиқади. Вазн ортгани сари мия ҳам "кексаяди", ҳам ҳажман кичраяди.

Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.

Махсус моделлаштириш ва симуляция маркази

замонавий таълим жараёнини юксалтиришга хизмат қилади

ИИВ ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида компьютер техникаси ёрдамида моделлаштириш ва симуляция тизимларини қўллаган ҳолда бино ва иншоотларда юзага келган мураккаб ёнғинларни ўчириш усулларини компьютер ўқув машқларида ўрганиш мақсадида «Махсус моделлаштириш ва симуляция маркази» ташкил этилди. Марказ вазирлик томонидан ажратилган компьютер жамланмалари, электрон доска ва бошқа замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Электрон база ёнғин хавфсизлиги соҳасига тааллуқли виртуал дастурлар, кимё, физика ва бошқа фанлар бўйича виртуал лаборатория машғулотлари билан таъминланган.

Ушбу марказда курсант ва тингловчилар олган назарий билимларини янада мустаҳкамлаш, амалиётда қўллаш, амалий кўникмаларни шакллантириш, портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғинларнинг олдини олиш ва мураккаб ёнғинларни ўчириш усулларини, ёнғин хавфсизлиги соҳасига тааллуқли виртуал дастурларни мустақил тарзда ўрганишлари, умумкасбий ва ихтисослик фанларидан виртуал лаборатория машғулотларини ўтказишлари мумкин.

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида барпо этилган ушбу марказ замонавий ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш, тингловчи ва курсантларнинг касбий билимларни пухта эгаллаши, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасини чуқур ўзлаштириши, ахборот маданиятини шакллантиришга кенг йўл очади.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
ЁХОТМ ўқитувчиси,
лейтенант

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон

Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти қуйидаги вакант лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси:
1) Доцент, фан номзоди (Миллий истиқлол ғояси) — 1 ўрин;
2) Катта ўқитувчи (Миллий истиқлол ғояси, таълим рус тилидаги гуруҳлар учун) — 1 ўрин.

2. Педагогика, психология ва таълим менежменти кафедраси:
1) Доцент, фан номзоди (Психология) — 1 ўрин;
2) Катта ўқитувчи (Педагогика) — 1 ўрин.

3. Тил ва адабиёт таълими кафедраси:
1) Кафедра мудири, профессор ф.д. (Она тили ёки рус тили фани мутахассислиги) — 1 ўрин;
2) Катта ўқитувчи (Инглиз тили) — 1 ўрин.

4. Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедраси:
1) Доцент, фан номзоди (Бошланғич таълим) — 1 ўрин;
2) Катта ўқитувчи (Бошланғич таълим) — 1 ўрин.

5. Табиий ва аниқ фанлар таълими кафедраси:
1) Катта ўқитувчи (Информатика) — 1 ўрин.

6. Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим кафедраси:
1) Кафедра мудири, фан номзоди — 1 ўрин.

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:
— институт ректори номига ариза;
— ходимлар шахсий варақаси;
— ишлаб турган жойидан 2та фикрнома;
— олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларининг нусхалари;
— меҳнат дафтарчаси нусхаси, олий таълим тизимида камида 3 йил, умумий ўрта мактаб тизимида камида 5 йил иш стажига эга бўлиши талаб этилади;
— паспорт нусхаси (прописка билан);
— илмий ва ўқув-методик ишлари, ҳисоботлар, ижодий ишлари рўйхати ва фотоальбоми, каталоглар.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида мазкур институтнинг Маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректори томонидан ҳар куни соат 14:00 — 17:00 гача қабул қилинади.

Манзилимиз: 100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 64-уй.
Тел.: 255-33-28.

2016-yil 13-avgust, № 65 (8922)

Gurung

Izhor

Фахр

Субҳи тонг. Неварам пишиллаб ухлаб ётибди. Ширин туш кўраётибди, шекилли, мийиғида кулади. Бел ва оёғимдаги оғриқ ҳам аллақайга йўқолган. Кайфиятим чоғ бўлиб ҳовлига чиқдим. Ҳаво мусаффо, атиргул ифори димоғимга урилади — кўксимни тўлдириб, қайта-қайта нафас оламан. Ҳаёт бунча гўзал-а...

Кечаси ёғган ёмғир дарахт ва гуллар баргини обдон ювиб, аллақандай нафислик улашибди. Атиргул баргларида биллур томчилар ялтирайди. Уфқдан бобо қуёш қизариб чиқишга шайланиб турибди. Томчида олам ўз аксини топгандек. Қуёшнинг илк нурлари майда томчиларда ажабтовур, ранго-ранг жилваланади. Ҳовли ва кўчаларга сувлар сепилган, гўёки она табиат ёш келинчакларнинг тонги оромини бузишни хоҳламай, ўзи сув сепган, дейсиз.

Ҳовли этагидаги тут атрофида сайроқи қушлар базми авжида. Майна ва булбуллар навбати билан сайрайди. Баъзан етилиб пишган тут меваларини ҳам чўқиб қўядилар. Ора-сира қушларнинг "биёв-биёв"лари дилга қувонч беради.

"Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ", деганларидек, шу пайт қайдандир учиб келган афғон қушлари сайроқи қушларни тирқиратиб қувиб, тут меваларини пала-партиш чўқилашга тушдилар. Бироздан сўнг балои нафси ором олди-ёв, хириллаб сайрашни бошладилар.

Кўча эшикни очиб, ювиниб, нонушта қилдим-да, ишга отландим. Кўчалар озода, эшиклар олди супурилган. Уйимиздан уч-тўрт ҳовли нарида гуллаган жийданинг нафис ифори димоқни қитиқлайди. Донги кетган француз атирлари, "Гламур" парфюмериясида ҳам бундай ёқимли ҳидни топиш қийин. Назаримда, меҳнаткаш, заҳматкаш, борини қўшнилари билан баҳам кўрадиган халқимизга яратган эгам Ватан қилиб ердаги Фирдавс боғларидан бирини ҳадя этгандек.

Эрта тонг бўлишига қарамай, бекатда автобусларнинг кети узилмайди. Навбат билан ўз автобусимга чиқдим. Олдинги ўриндиқда ўтирган йигит тунги навбатчилигидан чиққанми, уйқусираб, дам-дам қалқиб қўяди. Иккинчи ўриндиқдаги қизча эса кўзини рефератидан узмайди — илмга чанқоқлиги мақтагулик... Қарши тарафдаги қизча, барака топсин, мени кўриши билан дик этиб ўрнидан туриб, жой берди.

Кўча атрофни кузатиб кетаман. Улов радиосидан ёқимли куй таралаётир:

Бу муқаддас Ватанимда
инсонлар азиз,
Инсон азиз бўлган Ватан,
мўътабар, лазиз.
Хурматингни сақлар дилда
ҳар бир ўғил-қиз,
Истиқболинг порлоқ сенинг,
Ўзбекистоним!

Равон ва текис кўчалардан ўтар эканман, атрофнинг озодалиги, саф тортган арчалар, қад кўтараётган бинолар кўнгилга ҳузур бағишлайди. Кўкка туташ, ўзбегим қалбидек тоза, оппоқ муҳташам биноларини кўриб ич-ичимдан фахрланаман.

Яхшиям, шу юрт фарзанди бўлиб туғилганим, Ватан деб шу маконни билганим...

Илёс ЮНУСОВ

Соҳибқирон ҳикоятлари

Қўл остимизга ўн тўрт мамлакат раийяти жам бўлгонда, Самарқанд келиб катта тўю томошалар бердик. Зиёфатларга яқин-йироқдин барчани чорладик. Одамлар кўп кунлар тўкин дастурхон атрофида бўлишиб, тўйғунча еб-ичишди.

Зиёфатга келгонларнинг бариси шодумон эрди. Зиёфатлар тугади. Келгонларни янада хурсанд этмоқ ниятида (рўзғорига, бола-бақрасига яратар деган умидда) ҳар бир меҳмонга бир бошдан ҳисори кўй тухфа этмоқни буюрдим. Баковуллар ҳар кишига биттадан кўй тутқазиб, жўнатаверишди...

Бехос хаёл олди: меҳмонларим ростдан-да мамнунмикан? Усти-бошимни ўзгартириб, зиёфатдан қайтаётган одамлар тўдасига кирдим.

Чаҳор йўлда одамлар куйманишар, дала-даштда ўсган қўйларни судраб, уддасидан чиқолмас эрди. Айниқса, бешолти пудли ҳисори кўчқорни етаклаб олган киши қўйни ҳарчанд тортмасин ўрнидан қўзғатолмас эрди. Шунда ул киши тутоқиб деди:

— Қўйни-ку беришга бердинг, бир қулоч арқонни қизғаниб нима қилардинг. Бир қулоч арқон билан бойиб қолармидинг, эй подшоҳи зиқна...

Бу киши фикрига қўшилгонлар бўлди. Шунда эл кўнглини, одамлар кўнглини олмоқ нақадар мушкул эканини англадим. Кейин ушбу сабоқдин хулоса олиб, нуқсонларга асло йўл қўймаслик тадорикини кўрдим.

* * *

Шом сари юриш олдидан Қорабоғда чодир тикиб узоқ туриб қолдик. Ҳарбу зарб машқларини пухталамоқ учун қўшин ичинда бўлиб очиқ ҳавода тунадик. Кўп вақт ўтказиб, сафар олдидан чодирга қайтсам, ажиб манзаранинг гувоҳи бўлдим. Биз-нинг йўғимизда чодир туйнугидан икки кабутар тушиб, жуфту ҳалолликдан қилмишлар. Улар бизнинг хос ўриндиққа хас-хашак-ла ин қуриб, бир тухум босиб ётур эди.

Тангри таолонинг бу беозор жониворларига халал етказмаслик учун чодирни ўзга қилдик. Эртаси куни, сафарга жўнар аввалида, тўрт нафар навкарни мулозим бирла қолдирдик. Уларга тайин этдикким:

— Тангри таолонинг беозор қушлари тухум очиб, полапонлари учурма бўлгунча, шу ёнда бўлурсиз. Полапонлар очиб чиққоч, чодирни йиғиб, ортимиздан етиб борғайсиз...

Шом сафарига отландик. Жониворлар борасида тузган тадбиримиз Тангри таолога хуш ёқиб, зафар туғимизни ҳилпиратди...

(Исмоил Аканинг «Буюк Темур давлати» китобидан.)

Hayvonlar haqida hikoyalar

Ибратли тасодиф

Буни бизга ўқитувчимиз гапириб берган.

Ўша ўқитувчимизнинг бир қариндоши биринчи жаҳон уруши йиллари армияда офицер бўлиб хизмат қилган экан. Ўша одам кунларнинг бирида чўлда кетаётиб қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлибди. Типратикан билан йўғон бир илон «жанг» қилаётган экан. Ҳужум қилаётган томон асосан типратикан бўлиб, у нуқул ҳамла қилар, ҳар ҳамла қилганида ўткир тиканларини илоннинг танасига санчиб оларкан. Илон четроққа ўрмалаб қочмоқчи бўлса, югуриб олдидан чиқар, яна найзасини суқиб-суқиб олавераркан. Охири илон шу даражада абгор бўлибдики, қимирлашгаям ҳоли қолмабди. Типратикан яна ҳужумга шайланиб турганини кўриб, офицер қўлидаги таёғи билан унга бир-икки марта туширибди. Ёнида типратикан тил тортмай ўлибди, таёқ ҳам қарс этиб синибди. Офицер йўл-йўлакай синган таёғини ўйнаб, ўзи турган чодирга етиб олибди. Орадан анча вақт ўтгач, ташқарига чиқиб қараса, бояги йўғон илон чодирнинг остонасида тасмадек чўзилиб ўлиб ётганмиш. Типратикан устида синган таёқ бўлаги.

Ўқитувчимиз шу воқеани айтиб бергач, бизга бундай деган эди:

— Танаси илма-тешик бўлиб кетган бир илоннинг яхшиликка яхшилик қайтариш ниятида шунча йўл босиб, таёқнинг синган учини судраб келиши аслида ақл бовар қилмайдиган нарса. Лекин бу бўлган воқеа. Қолаверса, буни ибратли тасодиф деса ҳам бўладн.

(Азиз Несиннинг «Ғаройиб болалар» китобидан.)

Донолар бисотидан

Ҳар ким илми ҳикматни ўрганмоқчи бўлса, ўқишни ёшлигидан бошласин, саломатлигини сақласин, яхши ахлоқ эгаси бўлсин, сўзи устидан чиқсин, ёмон ишлардан, хиёнат, макр ва ҳийладан узоқ турсин, диёнатни, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотиқ бўлсин, доно кишиларни ҳурмат қилсин.

Абу Наср Форобий

***

Устозимдан: "Инсон учун энг зарур нарсалар нима?" деб сўрадим. У: "Саломатлик, бадавлатлик ва омонлик", — деб жавоб берди. Яна ундан: "Ёшликда ва қариган вақтда кишига қандай ишлар муносиб?"— деб сўрадим. У: "Ёшликда илм ўрганиш, қариганда шу илмдан фойдаланиш", — деб жавоб берди.

Бузургмехр

***

Эй тинчлик, саломатликни истаган одам! Агар тинчлик, бахт-саодатни тиласанг такаббурлик ва ғурурдан узоқ бўл. Ўз манфаатини кўзловчи ярамас кишилар билан суҳбатдош бўлма.

Жалолиддин Румий

***

Беш нарса кишига манфаат етказмайди: молу дунё йиғишга харислик, синаб кўрмасдан биров билан дўст бўлиш, амалсиз илм, беният садақа, соғ-саломатликсиз тириклик.

Ҳусайн Воиз Кошифий

***

Шифокорда бургутнинг кўзи, шернинг юраги, илоннинг донолиги, аёлнинг қўли бўлиши керак.

Абу Али ибн Сино

***

Бузургмехрдан Ануширавон сўради: "Мулойимлик қандай бўлади?". Жавоб берди: "Мулойимликнинг нишоналари бор. Бири шуки, қовоқ солиб қаттиқ гапирган одамга очиқ юз ва ширин тил билан жавоб берилади. Ёмон феъл билан жонни оғритган одамга яхши феъл билан жавоб қайтарилади.

Мулойимликнинг иккинчи нишонаси — ғазаб ўти шуъла уриб, унинг даҳшати ҳаддан ошиб кетса, ўзини тутиб, уни ўчиришдир. Шундай қилганда кишининг дили ҳам, руҳи ҳам таскин топади. Учинчиси, гуноҳкорни жазога маҳкум қилаётганда ғазаб ўтини сўндириб, сўнг чуқурроқ ўйлаб иш тутишдир. Шуни ҳам билмоқ керакки, баъзи вақтда ғазаб мулойимликдан яхшироқдир. Ўзидаги таъма ва ҳирсни йўқотиш учун қилинган ғазаб фойдалидир. Оқил киши ғазаб, мулойимлик қаерда ва қайси пайтда муносиб эканини билмоғи ва уларни ўз жойида ишлатмоғи лозим.

Ҳусайн Воиз Кошифий

***

... Мусиқа қалбнинг ахлоқий жиҳатларига таъсир кўрсата олиш лаёқатига қодир: модомики, мусиқа шундай хусусиятларга эга экан, демак у кишиларни тарбиялаш воситалари қаторига киритилмоғи лозим.

Аристотель

***

Луқмони Ҳакимнинг олдига бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишди. Ундан ҳикматга оид нарсаларни сўрашди. Шунда келганлардан бири:

— Эй ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан?! — деб сўради.

— Ҳа, ўша чўпонман, — жавоб берди Луқмон, — ҳозир кўриб турибсанки ҳакимман!

— Бу даражага қандай эришдинг? — сўради яна у.

Луқмони ҳаким унга:

— Рост сўзлашдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, беҳуда сўзларни гапирмасликдан, мусибат ва балоларга мардона чидашдан, ўзимни улуғлардан кам санашдан! — деб жавоб берди.

Мен ҳеч маҳал давр жабр-жафосию фалакнинг каҳрафторлигидан шикоят қилмаган эдим, лекин бир марта нолидим. Ўшанда оёқ яланг қолган эдим, ҳатто ковуш сотиб олишга қодир эмасдим. Қаттиқ ўксиниб, Куфа шаҳрида оёқсиз бир одамга кўзим тушди. Шунда шукр қилиб, ковушсизлигимга сабр этдим.

Саъдий Шерозий

Саҳифани Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади.

2016-yil 13-avgust, № 65 (8922)

Ирода ва иштиёқ ифодаси

Майдонда медали кўп эмас, маҳорати баланд спортчи зафар қозонади

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ёзнинг қайноқ ҳарорати остида тобора қизғин палласига кириб бормоқда. Сайёрамизнинг энг моҳир атлетлари ўрнатаётган рекордлар, кутилмаган натижалар, қувонч ва алам кўз ёшлари, мухлисларнинг ҳаяжон ва хавотир аралаш нигоҳи олимпиада нуфузини янада оширади. Қисқаси, айни кунларда дунёнинг бошқа бурчагида ўтказилаётган спорт мусобақаси ўз аҳамиятини йўқотади, балки барчанинг эътибори марказида «Рио-2016» турибди.

Хабарингиз бор, ана шундай йирик спорт байрамида бизнинг спортчиларимиз ҳам медаллар учун курашмоқда. Улар ўз маҳорати ва тажрибасини олимпиада майдонида кўрсатишга, халқимиз билдирган ишончни оқлашга интилмоқда.

Дзюдочиларимиз бошлаб берган муваффақиятни боксчиларимиз давом эттираяпти. Аслида ҳам жаҳоннинг энг кучли боксчилари ўзбекистонлик чарм қўлқоп соҳиблари номини эшитганда, ҳушёр тортадиган бўлиб қолган. Буни икки боксчимиз ўз вазн тоифасида ярим финалга чиққани ҳам исботлайди. Вазни 91 кг.гача бўлган боксчилар мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Рустам Тўлаганов озарбойжонлик Абдулқодир Абдуллаевни 3:0 ҳисобида мағлуб этди. Айтиш керакки, мутахассислар муштлашув арафасида Абдулқодирнинг имкониятларини юқори баҳолаганди. Боиси, у ўтган йилги жаҳон чемпионатида бронза медалини қўлга киритган, Европа ўйинларида ғолиб бўлганди. Аммо жанг пайтида спортчининг медаль ва унвонлари эмас, иродаси ва иштиёқи ҳал қилувчи эканига Рустамнинг ютуғи мисолида яна бир карра гувоҳ бўлдик.

«Рио-2016»да ишонч билан одимлаётган яна бир вакилимиз Ҳасанбой Дўсматов ҳам айрим башоратларни йўққа чиқариб, қозоғистонлик рақиби Биржан Жакиповни уйга қайтишга мажбур этди. Қозоқ бокс мактаби ҳам жадал ўсиб бормоқда, аммо ўзбекистонлик чарм қўлқоп соҳиби уч раунд давом этган муштлашувда тўла устунликка эришиб, азалий рақибини енгди.

Кеча Ҳасанбой ярим финалда АҚШ вакили Мигел Эрнандесни мағлуб этиб, финалга йўл олди. Энди у 14 август куни финалда колумбиялик Мартинесга қарши рингга чиқади.

Шунингдек, вазни 64 кг.гача бўлган боксчилар жангида юрт шарафини ҳимоя қилаётган Фазлиддин Ғоипназаров конголик Малонгани аяб ўтирмади. Муштлашувдан бироз олдин фарзандл бўлгани хушхабарини эшитган Фазлиддин рақибини бир неча бор нокдаунга учратди. Ҳакамлар учрашувни муддатидан аввал якунлашга мажбур бўлди. Фазлиддин эса ушбу ғалабани ишора орқали дунёга келган чақалоққа бағишлади.

69 кг вазнга эга боксчилар баҳсида эса Шаҳрам Ғиёсов чорак финал йўлланмасини қўлга киритди. У литвалик Станионис Элимантоса қарши рингга кўтарилиб, 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Шаҳрамнинг рингдаги фаоллиги ва очиқ жанг ўтказишга интилиши, ўзига бўлган ишончи томошабинларда илиқ таассурот уйғотди. Бу ҳакамларнинг якунда бир овоздан ғалабани унга бериши учун етарли бўлди. У ярим финал йўлланмаси учун бугун кубалик Иглесиас Рониэл билан муштлашади. Кубалик боксчилар бизга кўпинча ноқулайлик туғдириб келади, бироқ нохуш анъанани бузиш учун имкон туғилмоқда. Шаҳрамга навбатдаги жангларида ҳам омад тилаймиз.

Афсуски, 81 кг.гача бўлган вазн соҳиблари қарама-қаршилигида терма жамоамизнинг энг тажрибали аъзоси Элшод Расулов дастлабки юришидаёқ тўхтади. У британиялик Буатси Жошуа тўсиғидан ўтолмади. Чиндан, Э.Расуловдан хорижлик мутахассислар ҳам ғалаба кутганди. Чунки Элшод уч карра жаҳон чемпионати совриндори, икки карра Осиё чемпиони ва Осиё ўйинлари ғолиби бўлган. Уларнинг сафига олимпиада медали қўшилса, совринлар жавони тўлиб турарди...

Бошқа спорт турлари бўйича ўтаётган мусобақаларда ўз омадини синаётган вакилларимиз ҳам ғалабага бўлган иштиёқини намойиш этмоқда. Жумладан, умидли оғир атлетикачимиз, 69 килограмм вазнга эга Достон Ёқубов даст кўтаришда 137, силтаб кўтаришда 176 кг тошни бўйсундирди. Аммо бу натижаси билан Достон ўз гуруҳи («В»)да 6-ўринни эгаллади, холос.

Илк беллашувда омад эвазига ғалаба қозонган дзюдочимиз Шерали Жўраев (вазни 90 кг.гача) ғалдаги босқичда швециялик полвон Маркус Нейман билан учрашди ва ippon баҳоси билан енгилди.

Дзюдо бўйича «Рио-2016»га борган ўзбек қизи Гулноза Матниёзовага ҳам омад етишмади. У биринчи баҳсидаёқ польшалик Катарзина Клайсга имкониятни бой берди. 100 кг вазнга эга дзюдочимиз Сойиб Қурбонов ҳам илк жангида украиналик Артём Блошенкога енгилиб, олимпиада билан хайрлашди. Олдинда мухлисларни Пекин олимпиадаси кумуш медали соҳиби Абдулла Тангриевнинг чиқиши кутмоқда. У биринчи беллашувини самоалик Дерек Суага қарши ўтказди. Бу сафар иқтидорли полвонимиз юртдошларимизни олтин медаль билан қувонтирса, ажаб эмас.

Бокс бўйича 51 кг.гача вазн тоифасида иштирок этган ҳамюртимиз Ёдгорой Мирзаева дастлабки жангини канадалик рақибига қарши ўтказиб, мағлубиятга учради. "Рио-2016" умидли спортчимиз учун улкан тажриба мактаби бўлди. Боксчимизга келгуси фаолиятида омад тилаб, навбатдаги Олимпиадаларда юртимиз байроғини юксакларга кўтаришига ишонамиз.

Айни пайтда медаллар жамғариш бўйича АҚШ спортчилари етакчилик қилмоқда, улар ҳисобида 16 олтин, 12 кумуш ва 10 бронза бор. Хитой вакилларида эса 11 олтин, 8 кумуш ва 11 бронза мавжуд. Кучли учликда турган япон атлетлари 7 олтин, 2 кумуш ва 13 бронза медалга эга. Ҳамюртларимиз эса ҳозирча икки бронза медаль билан совриндорлар рўйхатида қайд этилган.

Зоҳиджон ХОЛОВ

2016-yil — Sog'lom ona va bola yili

Гўзаллик ва нафосат намойиши

Андижонда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ўтказилган аёллар спорт фестивалида 17 жамоа иштирок этди.

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, "Камолот" ёшлар иттимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида спорт, айниқса, болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

— Вилоятда 4 мингдан зиёд спорт мажмуаси фаолият юритмоқда, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзура Юнусова. — Хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча қулайлик яратилган. Айни пайтда вилоятда 20 мингдан зиёд хотин-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда, 115 мингга яқини оммавий спорт турларига жалб этилган. Бу оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Мазкур фестивалнинг маҳаллалар, меҳнат жамоалари, туман ва шаҳар босқичларида 95 мингга яқин хотин-қиз иштирок этгани фикримиз тасдиғидир.

Балиқчи тумани вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Пахтаобод тумани жамоаси иккинчи, Андижон шаҳри жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиблар ва бир қатор номинациялар совриндорлари ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири

УЧ ЙИЛЛИК ШАРТНОМА

Америкалик ҳужумчи Леброн Жеймс навбатдаги мавсумни ҳам «Кливленд Кавальерз» жамоаси либосида ўтказиши ойдинлашди, дея хабар берди «ESPN» телеканали.

Манбада келтирилишича, маҳоратли спортчи билан клуб раҳбарияти уч йиллик янги шартнома имзолаган. Бугунги кунинг энг номдор баскетболчиси учун «Кливленд Кавальерз» ғазнасидан 100 млн доллар сарфланади. Шунинг 33 млн доллари бир мавсум учун берилади.

31 ёшли Жеймс «Кливленд» сафида 2014 йилдан буён ўйнаяпти. 2015/16 йилги мавсумда чемпион бўлди.

ИККИ МИНГ ЙИЛЛИК РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

Олимпия ўйинлари тарихида энг соврини кўп спортчи дея ном олган америкалик сузувчи Майкл Фелпс ўз рекордини янгилади, деб ёзди «ТАСС» манбаси.

У олимпиадаларда олтин медаль жамғариш борасида юқори натижани қайд этди. «Рио-2016» олимпиадасида у 200 метрга комплекс сузиш баҳсида 1-ўринни банд этди ва олтин медаллари сонини 22тага етказди. У бунгача Сидней, Афина, Пекин ва Лондон олимпиадаларида ҳам қатнашган ва муваффақият қозонган.

Ушбу олтин медаль Майклнинг индивидуал тарзда эришган 13-соврини. Ушбу кўрсаткичи билан у 2 минг йил олдин юнон енгил атлетикачиси Леонид Родосск ўрнатган рекордни янгилади. Леонид тўртта олимпиадада ғалаба қозонган экан.

ЭНГ ҚИММАТ ФУТБОЛЧИ

Франция терма жамоаси аъзоси, «Ювентус» клубининг собиқ ярим ҳимоячиси Поль Погба ниҳоят ўзининг қадрдон жамоаси «Манчестер Юнайтед» (Англия)га қайтгани тўғрисида клуб расмий сайтида хабар берилди.

23 ёшли футболчи Жозе Моуриньо жамоаси билан беш йиллик шартнома имзолади. Шунингдек, томонлар келишувига биноан шартнома муддатига яна бир йил қўшилиши ҳам мумкин. Эътиборлиси, Погбанинг трансфер баҳоси 105 миллион еврони ташкил этди. Айтиш жоизки, бу футбол тарихида рекорд натижадир. Унга қадар Криштиану Роналду («Манчестер Юнайтед»дан «Реал»га 94 миллион евро, 2009 йил) ва Гарет Бэйл («Тоттенхэм»дан «Реал»га 100 миллион евро, 2013 йил) бу борада етакчи эди.

60 ЙИЛДАН СЎНГ

Фижи терма жамоаси регби мусобақаларидаги ғалабаси билан ўз тарихини бойитди. Боиси, шу пайтга қадар фижиликлар олимпия баҳсларида регби бўйича муваффақиятга эришмаганди.

Улар финалда британиялик рақибларини йирик — 43:7 ҳисобида доғда қолдирди. Бронза медаль учун кечган курашда ЖАР вакиллари япониялик ҳамкасбларини енгди (54:14). Эътиборлиси, фижиликлар сўнгги медалини 1956 йили ўтказилган олимпиадада қўлга киритган экан.

Хотин-қизлар ўртасида кечган финал баҳсида эса Австралия жамоаси Янги Зеландияни мағлубиятга учратди. Учликдан Канада ҳам ўрин олди.

Н.ЭРМАТОВА тайёрлади.

2016-yil 13-avgust, № 65 (8922)

Болаликнинг завқли маскани

Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги "Гўзалхон" номли 492-мактабгача таълим муассасасида 200 га яқин бола замонавий шароитларда таълим-тарбия олмоқда.

Муассасада ўқув-тарбия машғулотлари тажрибали педагог-тарбиячилар томонидан самарали йўлга қўйилган. Атроф-олам билан таништириш, қуриш-ясаш, ўқиш ва мактабга тайёрлаш машғулотлари қизиқарли тарзда ташкил этилмоқда. Турли маданий тадбирлар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб борилади.

ЎзА фотомухбири Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.



Табиатни асраш ва экотуризм истиқболлари

Тошкент вилоятидаги Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун медиатур ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, экотуризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Бетакрор табиат бағрида жойлашган ушбу боғда сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, наботот ва ҳайвонот оламининг нодир намуналари билан танишиши учун қулай шароит яратилган.

— Мустақиллик йилларида табиатни муҳофаза қилишга қаратилаётган доимий эътибор юртимизга келаётган хорижий сайёҳлар сафининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи бошқармаси бош директори ўринбосари Эргаш Саримсоқов. — Бизнинг боғимиз Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон туманлари ҳудудидаги тоғ, ўрмон, яйлов, табиий сув ҳавзалари, экин майдонларини ўз ичига олган, бугунги кунда ички ва ташқи сайёҳлар катта қизиқиш билдираётган Марказий Осиёдаги энг йирик миллий боғлардан биридир.

Экотуризм нафақат даромад манбаи, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, табиат неъматларини асраш ва муҳофаза қилишнинг энг самарали воситаларидан бири, соҳа ривожида оммавий ахборот воситаларининг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Медиатур доирасида журналистлар мазкур миллий боғнинг мўътадил иқлими, табиий ва қадимий ёдгорликлари билан машҳур бўлган 30 га яқин ҳудудларида бўлди. Соҳа мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

И.АВВАЛБОЕВ, ЎзА мухбири

Ma'rifat
TA'SIS ETUVCHILAR:
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 149, 150. Г-824. Tiraji 35292. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Timur KAYSAROV, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Nasiba ERXONOVA.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 21.00 Topshirildi — 21.30 1 2 3 5 6